



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 28 август, № 174-175 (7132-7133)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



«БОШ ИСЛОҲОТЧИ»

“BRICS Business Magazine” журналининг инглиз тилида чоп этиладиган нашри муқовасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фотосурати ушбу сарлавҳа остида эълон қилинди.

Глобал инвесторлар, ишбилармонлар, сиёсатчилар ва эксперт жамоатчилигига мўлжалланган журналда, шунингдек, рус тилида “Карвон бормокда” номли тахририят мақоласи босилди. Ушбу материал Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатни кенг модернизация йўлига олиб чиқиш мақсадида эълон қилинган ислохотларига бағишланади.

Хусусан, мақоланинг ислохотларнинг ҳозирги ҳолатига тегишли қисмида Шавкат Мирзиёев президентлик фаолияти бошидан ҳукумат кун тартибига либерал ислохотларни қайтаргани, бинобарин, илгари сурилган ўзгаришлар Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳасига дахлдор бўлиши таъкидланган. Улар ижтимоий ҳаёт, ҳокимият тузилмаси ва мамлакат иқтисодиёти янада мослашувчан, замонавий ҳамда самарали қилган ҳолда янгилаши керак. Ислохотлар

Дикқатга сазовор жиҳати шундаки, деб ёзилади журналда, Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни жонлантириш учун Ўзбекистон сиёсатининг ўтмишдаги учта асосий тамойили (давлатнинг дунёвий характери ва кўп томонлама блокларда иштирок этмаслик билан биргаликдадан бири — фақат ўз хусусий ресурсларига таяниш тамойилидан деярли воз кечди. Президент топшириғи билан сармоядорлар ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган янги инвестициявий қонунчиликни ишлаб чиқиш бошланди. Яқин кунлар ичида мамлакатда Инвестициявий кодекс пайдо бўлиши лозим. 2017 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этиш ҳақида Фармон имзоланди.

Эътироф

Мақолада қайд этилишича, олиб борилаётган ишлар самаралари аллақачон кўзга ташланмоқда. Жумладан, Ўзбекистонга хориж инвестицияси оқимининг узок йиллик пасайиш тенденциясига барҳам беришнинг уddасидан чиқилди. Ваҳо

лихонки, 2016 йилгача охириги беш йилда улар қарийб ярмига, 3,3 миллиард доллардан 1,9 миллиард долларгача қисқариб кетганди. Мазкур маълумотлар ўтган йили ноябрь ойида Тошкентда инвестициявий иқлимни такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган халқаро давра суҳба-тида айтиб ўтилганди. “2017 йилгача Ўзбекистонни ички ресурсларига қучли боғланиб қолиши натижасида инвестиция масалаларида консерватив йўлга тушиб қолган мамлакат сифатида таърифлаш мумкин эди. Бу бизнинг амалиёт эскиришига олиб келди. Бундан ташқари, давлат ўзаро маълумот алмашиш механизмининг йўқлиги сабабли сармоядорлар муаммоларидан етарли даражада хабардор эмасди”, дея Ўзбекистон Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбарияти фанри келтириб ўтилади. Ушандан буён манзара ўзгарди. Буларнинг барчаси ханузгача нисбатан паст самарадор қишлоқ ҳужайи сезиларли улушни эгаллаб келаётган ўзбек иқтисодиётини таркибий қайта қуришда ёрдам бериши керак.



ЮРТДОШЛАРИМИЗДА ВАТАН КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ ЮКСАЛМОҚДА



Ижтимоий фикр

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Ўзбекистон: давлат мустақиллигига 27 йил” мавзусида тадқиқот ўтказилди. Унда барча ҳудудлар қамраб олинди, қишлоқ ва шаҳарларда истиқомат қиладиган турли миллат ҳамда ижтимоий қатлам вакиллари, ишлаб чиқариш соҳа ва тармоқларида меҳнат қиладиган 18 ва ундан катта ёшдаги юртдошларимиз қатнашди.



Хосни ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Янги ланишлар мамлакатларимиз иқтисодий тараққиётига катта шижоат бағишлади



Яқинда ХХР Давлат статистика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитаси 2018 йилнинг биринчи ярми яқунлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилди. Улар икки мамлакатда давом этаётган фаол иқтисодий ривожланиш жараёнини акс эттирди.

Ҳамкорлик

Биринчи ярим йилликда Хитой ЯИМ ўсиш суръати 6,8 фоизни ташкил қилди. Сўнги 12 чоракда 6,7-6,9 фоиз атрофида сақланиб қолаётган бу кўрсаткич барқарор ўсишни ўзида акс эттирди. Иқтисодиётда хизматлар кўрсатиш улуши 60,5 фоиз, яқуний истеъмол учун харажатлар 78,5 фоизга етди,



Орол денгизи ҳалокати оқибатларини юмшатишдан барча манфаатдор

Қуриб бораётган Орол денгизи муаммоси, мана, неча йилдики, Марказий Осиё ва бутун дунё жамоатчилигини хавотирга солиб келмоқда. Ушбу масалани ҳал қилиш йўлидаги сазй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш мақсадида 1992 йили минтақа давлатлари ташаббуси билан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилган.


Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга ташириб буюриб, ушбу халқаро ташкилот таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этгани хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Экспертларнинг анжуманга оид муносабатлари баён қилинди.



Буюк Британиянинг нуфузли “The Independent” газетасида “Йўқолган денгиз тарихи” номли мақола чоп этилди.

Британиялик журналистларнинг фикрича, бир пайтлар мовий денгиз бўлган Орол эндиликда қуриб бораётган сув омборига айлан-ди. Ушбу муаммо шунчаки маҳаллий миқёсда-ги фожиа эмас, балки умумбашарий хавфдир. Орол ҳудудидан қутарилган тузлар дунёнинг турли давлатлари ва минтақаларига етиб бораётир.

1992 йили ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятига тўхта-лар экан, нашрда мазкур тузилма доирасида қишлоқ ҳўжалиги экинларини экиш, ҳудуд аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, ер ва сув ресурсларини асраб-авайлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилгани қайд этилади.



АҚШнинг “The New York Times” газетасида эса сўнги йилларда



Орол атрофи хорижлик сайёҳларда тобора катта қизиқиш уйғотаётгани эътироф этилади.

“Дунёнинг турли нуқталаридан келган меҳмонлар бу ердаги манзарадан хай-ратга тушмоқда. Ижтимоий тармоқлар-да мазкур ҳудуддаги кемалар ёнида ту-шилган расмлар тобора оммалашаётир. Кейинги пайтларда бу ерда меҳмонхо-налар сони ортапти. 14 сентябрда Мўйноқда электрон мусиқа фестивали ўтказилиши кутилмоқда”, дейилади ма-қолада.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданий ва маънавий меросни сақлаш ҳамда кўпайтириш, халқимизни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, моддий-техник базани яхшилаш ва халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада маданият ва санъатни янада ривожлантиришга тўққонлик қиладиган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжуд. Жумладан:

биринчидан, меценатлар ва ҳомийлар ёрдами билан қилишни рағбатлантирадиган самарали ҳуқуқий механизмларнинг йўқлиги республика маданият ва санъат муассасалари фаолиятини, энг аввало, муқобил манбалар ҳисобидан муносиб тарзда молиялаштиришни таъминлаш имконини бермапти, бу эса бюджет маблағларига ҳаддан ортиқ қарамликни келтириб чиқармоқда;

иккинчидан, ҳодимларнинг касбга тайёргарлик даражаси ҳамда маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифати замонавий талабларга ва халқаро стандартларга мос келмайди, бу эса уларнинг маҳаллий ташири буюрувчилар ва туристлар учун жалб этувчанлигини пасайтирмоқда;

учинчидан, маҳаллий маданият ва санъат муассасаларининг жаҳон маданий маконига пухта интеграция қилинмаганлиги мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантиришда ва минтақанинг маданий маркази сифатидаги маконини мустаҳкамлашда мавжуд бой маданий-тарихий меросдан ҳамда маданият ва санъатнинг замонавий йўналишларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермапти;

(Давоми 2-бетда).



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2018 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Жорий йилнинг 27 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ййгилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси яқунларини кўриб чиқдилар.

Ушбу масала даставвал сиёсий партиялар фракция-ларининг ва Ўзбекистон эко-логик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси масъ-ул қўмитасининг кенгайти-рилган мажлисларида муҳо-камалардан ўтказилган эди.

Мажлис аввалда депу-татлар Президентимизнинг 2018 йил 22 августда қабул қилинган, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари-нинг шаклланиши ҳамда иж-роси жараёنларини тако-миллаштиришга, бунда халқимизнинг бевосита иш-



28 АВГУСТ — «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КУН

Улкан эъзоз ва ғурур рамзи

Мамлакатимизда халқ ва Ватан манфаати йўлида хизмат қиладиган фуқароларимизнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаш алоҳида эътиборда.



Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАДАНИЯТ ВА САЊЪАТ СОҲАСИНИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

тўртинчидан, маданий мерос объектлари, республиканинг музей, архив, кутубхона ва бошқа жамғармалари бутлигини таъминлашга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти, бу эса мамлакат маданий-тарихий меросини сақлаш ва оммалаштиришга комплекс ёндашиш имконини бермапти.

Маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришни таъминлаш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, аҳолининг уларга бўлган қизиқишини рағбатлантириш, мамлакатимизнинг жаҳон маданий маконига интеграциялашувини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади), Молия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **Музейлар реновация дастурини** (кейинги ўринларда — Реновация дастури) эксперимент тарзида амалга ошириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

музейлар бюджетининг камида 30 фоизини тадбиркорлик фаолиятидан тушадиган маблағлар ҳисобидан, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали, шунингдек, музейлар бюджетининг камида 15 фоизини хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи ўзини ўзи таъминлаш принципига асосланган музейларни молиялаштириш моделини жорий этиш;

музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ тақомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан, “smart”-технологияларни (ахборот дўкунчалари, 3-D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказоларни) жорий этиш;

аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологиялари кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш;

кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш учун музейларнинг маъмурий тузилмасини тақомиллаштириш;

ҳодимларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни энг яхши жаҳон амалиётларига мувофиқ музейларнинг раҳбар

лавозимларига очиқ танлов асосида жалб қилиш амалиётини жорий этиш;

мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва танитиш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашувини таъминлаш;

музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги таширф бюурувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклюзив услубларидан кенг фойдаланиш;

музейларда академик тадқиқотларни, шу жумладан, Жамғарма маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш орқали маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларни жалб қилган ҳолда ривожлантириш.

Белгилаб қўйилсинки:

Реновация дастури Ўзбекистон амалий санъат музейида (Тошкент шаҳри), И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейида (Нукус шаҳри) ва Ойбекнинг уй-музейида (Тошкент шаҳри) амалга оширилади;

Реновация дастури Жамғарма, маҳаллий ҳамда хорижий донорлар ва меценатлар маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Жамғарманинг Ижро этувчи директори зиммасига Реновация дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2018 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) иловига мувофиқ тасдиқлансин: республикада маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш;

маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифат даражасини ошириш; маданият ва санъат муассасалари ҳодимлари малакасини ошириш.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

3. Реновация дастурини, “Йўл харитаси”ни ҳамда республиканинг маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини яратиш мақсадида **Жамғармага лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқи берилсин**.

Белгилаб қўйилсинки:

лотереялар ташкил этиш ва ўтказишдан тушадиган даромадлар Жамғарманинг ихтиёрида қолади ва улардан ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланилади;

лотерея чипталарини тарқатиш ва улар бўйича ютуқларни тўлаш Жамғарма билан тузилган агентлик битимлари асосида “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан амалга оширилади;

лотерея чипталари рекламаси ижтимоий реклама ахбороти ҳисобланади.

4. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда Жамғарманинг харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин, унда лотерея ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан, зарур тираж ускунасини харид қилиш ва лотереяларни уюштирувчиларга қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган лицензия талаблари ва шартларини қондирish учун зарур бўлган маблағлар назарда тутилсин.

5. Лотерея ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологиялар ва асбоб-ускуналарни белгиланган тартибда тузиладиган рўйхат бўйича олиб киришда Жамғарма 2021 йил 1 сентябргача божхона тўловлари тўлашдан озод этилсин (бундан божхона расмийлаштируви учун тўловлар мустасно).

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Жамғарма ва бошқа манфаатдор идоралар, шунингдек, маданият ва санъат соҳасидаги етакчи халқаро ташкилотлар билан биргаликда икки ой мuddатда “Меценатлик фаолияти ва маданий ҳомийлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин. Қонун лойиҳасида бошқалар қаторида қуйидагилар назарда тутилсин: маданият ва санъат муассасаларига, шу жумладан, жисмоний шахсларга ёрдам кўрсатувчи меценатлар ва ҳомийларга солиқ имтиёзлари (чеғирмалар) тақдим этиш учун ҳуқуқий асослар яратиш;

солиқ имтиёзлари (чеғирмалар) олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда маданият ва санъат муассасаларини қўллаб-қувватлаш шакллари ва услубларини кенгайтириш (муайян ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, мол-мулк ҳуқуқини бериш ва ҳоказо);

маданият ва санъат муассасаларини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий услубларини жорий этиш;

меценатлик ва ҳомийлик ёрдамини олаётганларнинг ҳисоб бериш тизимини, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни тақомиллаштириш;

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Жамғарма, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

маданият ва санъат муассасаларида блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда Чипта операцияларнинг ягона электрон тизимини (кейинги ўринларда — ЧОЯЭТ) жорий этиш ва унинг ишлаш тартибини белгилаш; ЧОЯЭТга уланган республика маданият ва санъат муассасалари томонидан чипталарни сотиш, ҳисобга олиш ва тасдиқлаш автоматик тизимларидан мажбурий фойдаланиш;

электрон чипталарни чипта аппаратлари ва автоном босма ускуналардан фойдаланиб, электрон чипталарни, шу жумладан, чипта тарқатувчи юридик шахслар томонидан воситачилик шартномалари асосида эркин муомалага чиқариш ва реализация қилиш учун ҳуқуқий асослар яратиш; электрон чипталар реквизитларига, шунингдек, маданият ва санъат муассасаларининг электрон чипталарни муомалага чиқариш, ҳисобга олиш ва тасдиқлаш учун фойдаланадиган моддий-техника базасига энг кам талабларни жорий этиш; ЧОЯЭТ доирасида чипталарни реализация қилиш бўйича операцияларни ҳимоя қилишга, чипталарни кейинчалик баландорқ нархда қайта сотиш учун ёппасига сотиб олинишига йўл қўймасликка доир чораларга энг кам талабларни жорий этиш;

ЧОЯЭТ доирасида чипталарни сотишдан тушган тушумдан ЧОЯЭТни сақлаш, шунингдек, Реновация дастурида ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун Жамғармага юбориладиган йўғим жорий этиш. 8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. М. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 26 август	

«БОШ ИСЛОҲОТЧИ»



“Шубҳасиз, Ўзбекистонга жуда кучли модернизация зарур, чунки Ўзбекистон деганда, биринчи навбатда, агросаноат ишлаб чиқариш соҳаси кўз олдимизга келади. Лекин мамлакат равнақ топиши учун унга юқори махсулдор ишлаб чиқаришлар даркор. Шунчаки мева-сабзавотлар эмас, тайёр махсулотни қайта ишловчи ва етказиб берувчи корхоналар”, дейди РФА илмий-тадқиқот маркази илмий ҳодими Игорь Савин.

Ҳукумат режаси бўйича ислохотлар айнан мана шундай самарага, яъни Ўзбекистон иқтисодиётида хизматлар ва замонавий ишлаб чиқариш хиссаси ортishi лозим. Бу нафақат ўсишга туртки беради, балки янги иш ўринлари яратилишига олиб келади.

Ўзбекистонда либерал ислохотлар энди жадаллашмоқда. Экспертлар бу борада яқдид фикрдалар: ҳокимият “шок теарпияси”га ўхшаш ҳолатларга йўл қўймайди, аксинча, аҳоли учун оммабоп бўлмаган чора-тадбирлар асоратларини юмшатган ҳолда бу йўлдан эҳтиёт-

корлик билан ҳаракат қиладди. Масалан, бу ўтган йил сентябрь ойида сўм девальвацияси ҳоидасида кузатилди. Миллий валюта курси ташқи конъюнктура босими остида бир кунда қарийб икки баробар, 1 доллар учун 4210 сўмдан 8100 сўмгача пасайтирилган эди. Боз устига, ҳукумат ўшанда аҳолининг энг кам таъминланган қатламига тушадиган оғирлиқни сезиларли даражада юмшатган ҳолда асосий махсулотлар нархи жиддий “сакраб” кетишига йўл қўймаслик учун барча чорани кўрган-ди.

Бундай ёндашув ислохотлар боришини секинлаштиради, бироқ ижтимоий бекарорликнинг олдини олади. Эътироф этилишича, бундай ёндашув тўла ўзини оқлайди.

“Бундай сокинлик қўпнча ҳукуматга нисбатан танқид уйғотади. Қўллаб, айниқса, ташқи кузатувчилар Шавкат Мирзиёевдан иқтисодиёт ва хатто сиёсий тизимни қайта қуриш бўйича қандайдир кескин қадамларни кутганди ҳамда куттишда давом этапти. Лекин бу Ўзбекистон аънанасига мутлақо тўғри келмайди. Бундай кўринишдаги

тезкорлик ўзбекона услуб эмас”, дейди МДХ мамлакатлари институти Урта Осиё ва Қозоғистон бўлими мудирди Андрей Грозин.

Нима бўлган тақдирда ҳам, деяр хулоса қилинади нашрда, бир нарсa аниқ: Ўзбекистон қарвон каби аллақачон йўлда, балки унча тез эмасдир, лекин белгиланган манзил сари машаққатлар ва ёнида келаётган шовқин-суронга қарамай ишонч билан бормоқда.

Бизнинг маълумот: “BRICS Business Magazine” — ишбилармонлик ва гуманитар нашр. БРИКС саммитидан тортиб, Петербург халқаро иқтисодий форумигача бўлган йирик иқтисодий воқеаларга тўғри келган пайтда йилда тўрт марта чиқади. Унинг таъсисчилари фикрича, “астана-секин ўқишга мўлжалланган журнал”. Нашр инглиз ва рус тилларида чоп этилади.

“Халқ сўзи” мухбири Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

ЮРТДОШЛАРИМИЗДА ВАТАН КЕЛАЖАГИГА ДАХЛДОРЛИК ТҲҒУСИ ЮКСАЛМОҚДА



Маълум бўлишича, ушбу байрамни ақсарити, яъни иштирокчиларнинг 94,6 фоизи кўтаринчи кайфиятда кутиб олишга ҳар томонлама тайёр. Улар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида демократлаштириш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётни модернизация қилиш ҳамда либераллаштириш бораидаги ислохотларни тўлиқ қўллаб-қуватлайди. Айни чоғда уларнинг 97,3 фоизи юртимизда тинчлик ва хавфсизлик таъминлаётгани, ижтимоий-сиёсий, миллатлараро, динлараро ҳамда ҳарбий низолар йўқлигини энг асосий ютуқ сифатида кўрсатишган.

Катнашчиларнинг 90 фоизидан ортиғи фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича қўлга киритилган натижалар ҳамда бу борадаги ишларнинг бугунги ҳолатидан қониқиш ҳосил қилганини билдирган. 94 фоиз иштирокчи

инсон ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича эришилган натижалар энг асосий ютуқ, деган фикрни баён этган.

Катнашчиларнинг 93,6 фоизи юртимиз санoатини диверсификация ва модернизация қилиш, айниқса, автомобилсозлик, нефть ва газни қайта ишлаш, фармацевтика, маиший техника, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш тармоқлари бир қарқорон ривожлантириш муваффақиятлар омили, деб билади. Улар томонидан юртимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифати ошгани ҳамда бозорлар маҳаллий махсулотлар билан таъминлангани ва уларнинг рақобатдошлиғи ортганилини алоҳида қайд этган.

Шунингдек, 86,1 фоиз иштирокчи уй-жой қурилиши фаоллашганини асосий муваффақиятларимиздан бири, деб ҳисоблайди. Уларнинг 83,2 фоизи турли соҳада чўқур билимга эга, интеллектуал салоҳияти юқори, баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасидаги натижалар таълим тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, мактабгача таълим тизими

бўлган янғича ёндашув, мактаб таълими тизимини тубдан ўзгартириш, вилоятларда янги олий таълим даргоҳлари, кадрлар тайёрлаш бўйича замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлар ҳамда сиртки ва кечки бўлимларнинг очилиши самараси эканини айтган. Катнашчиларнинг 79,1 фоизи томонидан маданият, илм-фан ва санъат соҳаларидаги ютуқлар эътироф қилинган.

Сўров натижаларига кўра, фуқаролар давлатимизнинг эртанги куни ва порлоқ келажагига қатъий ишонади, уларда ўз ҳаётини янада яхшилашга интилиш, Ватан тараққиёти ва фаровонлигига дахлдорлик туйғуси ошган. Шунга мос ҳолда, олдимизда турган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга ишонаётган фуқаролар сони кўпайган. Эътиборлини, ушбу кўрсаткич тобора ўсиб бораётгани кузатишмоқда.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.



Юқори технологиялар соҳаси корхоналари келтирган қўшимча қиймат 11,6 фоиз ўсиб, саноатнинг янги тармоқлари жадал ривожланмоқда. Июнь ойига келиб, ишсизлик 4,8 фоизни ташкил этди, аҳоли жон бошига реал даромадлар, йилнинг биринчи ярми аяунларига кўра, 6,6 фоиз кўпайди, аҳоли бандлиги ва турмуш даражаси муттасил ўсиб бормоқда. Ҳамкорлик ва икки томонлама манфаат концепциясига содиқ қолган ҳолда, Хитой импортни ошириш бўйича зиммасига олган мажбуриятларни бажармоқда. Хорижга товар етказиб бериш ҳажми 11,5 фоиз ўсган бўлса, ижобий сальдо ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 26,7 фоиз камайди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида ҳам эътиборга молик натижалар кўзга ташланмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, январь — июль ойларида ЯИМдаги ўсиш 4,9 фоизни, аҳоли жон бошига эса 3,1 фоизни ташкил қилди, қишлоқ, ўрмон ва балик ҳўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 фоиз, саноат махсулотлари 6,1 фоиз кўпайди, макроиктисодий конъюнктура яхшиланишда давом этмоқда. Чакана савдо товар айланмасининг умумий ҳажми 4,1 фоиз ўсган бўлса, унинг 12 фоизи йирик корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Яъни иқтисодий тараққиётни ҳаракатлантирувчи омилар сезиларли даражада фаоллашди. Аҳамиятлиси, 2018 йилнинг олти ойида аҳоли даромадларининг умумий ҳажми 12 фоиз, аҳоли жон бошига эса 10,1 фоиз кўпайди ва бу одамлар турмуш даражасининг янада яхшиланишига олиб келди. Январь — июнь ойларида асосий капиталга киритилган жами 41,24 триллион сўм инвестиция ўзлаштирилди. Бу 2017 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 113,4 фоиз кўндрир. Айнан шу давр оралиғида мамлакатда 25,9 минг янги корхона ташкил этилди. Ташқи савдонинг умумий ҳажми 46,8 фоиз ошиб, 17,7 миллиард долларга етди, шу жумладан, мева-сабзавотлар экспорти ўтган йилнинг мазкур давридагига



1998 йил 28 августда таъсис этилган “Эл-юрт ҳурмати” ордени ва “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони ўзининг ҳалол, фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз тараққиёти, эл-юртимиз фаровонлигига муносиб хисса қўшиб келаётган ҳамюртларимизни рағбатлантиришга қаратилган, тарихий аъьаналаримиз, қадриятларимиз, орзу-интилишларимиз ва порлоқ истиқболимизни акс эттирган Ватанимизнинг ана шундай юксак муқофотларидир.

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мамлакатимиз мустақиллигини,

Янгиланишлар мамлакатларимиз иқтисодий тараққиётига катта шижоат бағишлади

га қараганда 73,4 фоиз кўпайди. Буларнинг барчаси иқтисодий ривожланишда кучли ҳаракат бошланганидан далолатдир.

Хитой ва Ўзбекистон эришаётган яққол иқтисодий муваффақиятларни “ислохотлар” сўзидан айри ҳолда изоҳлаш имконсиздир. Янгиланишлар ўз мевасини бериб, янги истиқболларни очди, давлатларимиз равнақи учун кучли туртки бўлди. Мухими, ҳар икки мамлакат раҳбарияти воқели ва иқтисодий тараққиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларни чуқурлаштиришда давом этмоқда.

Хитой томони номутаносиб ривожланиш муаммосини ҳал этиш учун бор имкониятларини ишга солмақда, барқарорлик шароитида ўсишни таъминлаш мақсадида нафакат миқдор, балки сифатга ҳам эътибор қаратапти. Шу сабабдан “Интернет+” каби янги тармоқларни қўллаб-қувватлаш ҳамда қайта ишлаш саноати сифати ва даражасини комплекс ошириш масаласи ислохотларнинг устувор йўналишига айланди. Илмий-техникавий янгилликлар мамлакатнинг рақобатдошлигини қўчайтиришга хизмат қилиши учун инновациялар, оммавий тадбиркорлик рағбатлантирилмоқда. Давлат корхоналарида ислохотлар чуқурлаштирилиб, хусусий компаниялар ҳар томонлама қўллаб-қувватланипти, мулк ҳуқуқи, солиқлар, молия ва бошқа соҳаларда сиёсий тартиб ўрнатилишига эришилаётир. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутни бартараф этиш учун минтақавий ривожланиш сиёсати тақомиллаштирилмоқда. Ташқи дунёга очилиқ сиёсатиға амал қилган ҳолда, ХХР “Бир макон, бир йўл” ташаббусини илгари сурди. Бир қатор чора-тадбирлар

орқали Хитой иқтисодиётдаги пасайиш жараёнини енгиб ўтди, мўътадил ўсиш суратларини сақлаб қола билди, тузилмавий оптималлашувни муваффақиятли амалга ошириб, иқтисодиётнинг узок мuddатли ижобий трендини мустаҳкамлади.

Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам иқтисодиётни либераллаштириш ва инвестициялар жалб этишга бор эътиборини қаратиб, ўз салоҳиятини тўлиқ очмоқда. Мамлакат раҳбарияти 20 йил мобайнида амалда бўлган валюта назоратини бекор қилди. Солиқ, божхона, виза ва бошқа тартибларнинг ислоҳ қилиниши молиявий харажатларнинг камайишига, чегарадан ўтиш вақтларининг қисқаришига олиб келди ва бу бизнес ҳамда сармоя олиб кириш учун яхшироқ шароитлар яратди. Ўзбекистон ҳукумати электрон ҳукумат ва ягона давлат хизмати марказларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермокда, натижада қўллаб овозгарчиликлар бекор қилиниб, бошқарув самарадорлиғи ортмоқда, шунингдек, давлат томонидан кенг миқёсдаги коррупцияга қарши кураш кампанияси амалга оширилди. Қичик бизнес ривожига катта ёрдам туфайли “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури ижросига киришилиб, иқтисодий тараққиёт йўлидаги институционал тўсиқлар бартараф этиляпти. Ўзбекистон ҳамиса ўз фуқароларининг яшаш шароитларини яхшилашга интилади. Мамлакатда инфратузилма объектларини тақомиллаштиришга доимий равишда инвестициялар йўналтирилмоқда, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тамоман ўзгараётгани халқ кайфиятида акс этди, қолаверса, бу туризм ривожига ҳам таъсир қили-

ши, шубҳасиз. Ушбу чора-тадбирлар хорижда ҳам қўллаб ижобий фикрларга сабаб бўлди. Ислохотлар Хитой ва Ўзбекистоннинг ривожига хизмат қилибгина қолмасдан, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик учун ҳам янги имкониятларни очиб берди. Ўзбекистон томонидан эълон қилинган статистик маълумотларга кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси январь — июнь ойларида сезиларли равишда ўсиб, 2,81 миллиард долларга етди. Ўзбекистондан келтирилаётган мева-сабзавот махсулотларидан гилос ва мош илк марта Хитой бозорига кирди. Хитойлик истеъмолчилар орасида уларга талаб юқори. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида нефть-газ, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги, кимё саноати, қурилиш материаллари ва бошқа соҳаларда 900 дан зиёд корхоналар фаолият юритмоқда. Хитой иқтисодиётига қиратилаётган ўзбек сармояси ҳам ўсиб, Ўзбекистон тадбиркорлари иштирокидаги корхоналар сони ортапти.

Ислохотлар, ўзгаришлар Хитой ва Ўзбекистонни тараққиёт йўлига олиб чиқди, давлатларимиз эса ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини чуқурлаштиришдан тўхтагани йўқ. Шубҳасиз, ҳар икки давлат кўп томонлама хитой-ўзбек ҳамкорлиғи учун янада қулай шароитлар яратиб, янгиланишларни тартибга солиш ҳаракатлантирувчи кучидан тараққиёт йўлида фойдаланишда давом этади.

ЎЗЯН Янь, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавуллодда ва мухтор элчиси.

Улкан эъзоз ва ғурур рамзи

иқтисодий кудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавият, маданият юксалтиришга катта хисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат ишлари, меҳнатсеварлиғи ва ватанпарварлиғи билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматиға сазовор бўлган мамлакатимиз фуқаролари тақдирланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам муқофотланиши мумкин.

ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ 2018 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДАГИ ИЖРОСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР



Мажлисда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини тубдан ривожлантириш бўйича мамлакатимиз Президенти ва Ҳукумати томонидан эртанги кун талабларига жавоб берадиган тизимли ислохотларнинг юритилиши иқтисодиётни янги асосда ташкил этиш, янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ҳамда диверсификация қилиш, ҳудудларнинг хом ашё ва ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳамда бизнес муҳитини яхшилашнинг кенг имкониятларини яратиб, 2018 йилнинг I ярим йиллигида макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш имкониятини яратгани алоҳида қайд этилди.

Бунинг натижасида, жорий йилнинг I ярми якунига кўра, мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти қарийб 153 триллион сўмни, бу борада ўсиш ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 4,9 фоизни

ташкил этди. Шу билан бирга, 2017 йилнинг мос давридагига нисбатан sanoat — 6,1 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги — 2,7 фоиз, қурилиш — 9,7 фоиз, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар — 1,7 фоиз, бошқа хизматлар соҳаси — 5 фоиз ўсишига эришилди.

Ийгилишда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда солиқ-бюджет сиёсати соҳасидаги, хусусан, солиқ маъмуричилигини ва бюджетлараро муносабатларни тақомиллаштириш, маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустақамлаш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2018 йилнинг биринчи ярмида Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга оширилиб, 144,3 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профит билан ижро этилиши таъминлангани таъкидланди.

Депутатлар Давлат бюджети даромадлари ижросига тўхталиб, ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари 33 161,5 миллиард сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан

47,7 фоиз ўсишига эришилгани, белгиланган режа 4 863,7 миллиард сўмга ортиги билан ёки 117,2 фоиз бажарилганини ижобий баҳоладилар.

Депутатлар Давлат бюджетининг харажатларига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашдилар. Бу харажатлар (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 33 017,2 миллиард сўмни ташкил қилгани қайд этилди. Ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилгани таъминланиб, соҳага умумий харажатларнинг 55,7 фоизи миқдорда маблағлар сарфланган. Бунда асосий эътибор аҳолининг реал даромадларини изчил ошириб бориш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ҳамда спорт соҳаларини ривожлантиришга, шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашни таъминловчи арзон уй-жойлар барпо этиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни ўз вақтида молиялаштиришга қаратилгани диққатга моликдир.

Ийгилишда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, арзонлаштирилган уй-жойлар қуриш сингари ижтимоий аҳамияти юқори бўлган йирик лойиҳаларни амалга ошириш борасида Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларни бажариш Давлат бюджетте ижросининг устувор йўналишлари бўлгани алоҳида эътиборга этилди. Жумладан, таълим соҳасига ижтимоий харажатларнинг 52,2 фоизи ажратилгани, соғлиқни сақлаш соҳасига Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар миқдори

4 178,8 миллиард сўмни ташкил этгани шуни кўрсатиб турибди.

2018 йилда тез тиббий ёрдам молиялаштириш ҳамми оширилди. Ҳудудлардаги тез тиббий ёрдам бригадаларини марказлашган тарзда дори воситалари ва тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган буюмлар билан таъминлашнинг янги тартиби жорий этилди. Онкология муассасаларини молиялаштириш ҳамми 2017 йилдагига нисбатан 1,5 баробар оширилди. Бундан ташқари, ҳисобот даврида қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун санаторийлар ҳамда интернат уйларига — 52,8 миллиард сўм, кичик ёшдаги ногиронлиги бўлган болалар учун интернат-уйларига — 18,9, уй шароитида ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлинмаларига — 18,1, ногиронлиги бўлган шахслар реабилитация марказларига — 12 миллиард сўм маблағлар йўналтирилди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва унинг турмуш фаровонлигини ошириш харажатларига Давлат бюджетидан 1 397,8 миллиард сўм миқдорда маблағлар йўналтирилган. Биргина болалиқдан ногиронлиги бўлган шахслар учун тўланадиган нафақаларга Давлат бюджетидан 511 миллиард сўм маблағ ажратилгани ушбу соҳага эътиборнинг кучайиб бораётганидан далолатдир.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджетларни шакллантиришда ва маблағлардан самарали фойдаланишда мустақиллиги ва масъулиятини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида маҳаллий бюджетларга 1 триллион 715 миллиард сўм миқдорда

қўшимча маблағлар туширилган. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан қарийб 6 баробар кўп бўлиб, улар бевосита маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида қолдирилиб, ҳудудларни ривожлантиришга ҳамда жойлардаги мавжуд муаммоларни, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишга сарфланган.

Шу билан бирга, депутатлар бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ айрим камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, ҳисобот даврида айрим бюджет ташкилотларида маблағларнинг ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйгани, айрим тармоқларда тўлов интизомига риоя этилмагани оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидagi боқиманда қарздорлиқнинг юзга келаятгани кескин танқид қилинди. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини қучайтириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида ва сифати ижроси устидан қатъий парламент назоратини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Қисқача айтганда, мажлисда мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг ҳисобот давридаги ижроси талабчанлик руҳида, танқидий-таҳлилий тарзда қўриб чиқилди.

Мажлис якунларига кўра, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2018 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

Термиз шаҳрида Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Мутасадди идоралар фаолияти нега қутилган натижаларни бермаяпти?

Тадбирда Сурхондарё вилоятида жорий йилнинг етти ойида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида вилоятда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш борасида манзилли дастурлар асосида муайян ишлар қилинган. Жумладан, 3-минтақавий ишчи гуруҳ томонидан вилоятдаги ҳуқуқчи муҳофаза этувчи, маҳаллий

янда қамалган бўлса-да, профилактика ишларида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида Шеробод, Термиз, Узун, Музработ ва Қумқўрғон туманларида жиноятлар сони ошган.

Қумқўрғон, Музработ, Шеробод ва Узун туманларида қасддан одам ўлдириш, Анггор, Жарқўрғон ва Сарюсиё туманларида эса қасддан оғир шикаст етказиш ҳолатлари кўпайган, натижада вилоятнинг криминоген вазияти умумий кўрсаткичи ёмонлашган. Қизилриқ, Узун, Анггор, Денов ва Термиз туманларида одамлар ўлимига олиб келган йўл-транс-порт ҳоқидасалари ортиган.

Таълим му-тихорат ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунда криминоген вазиятни, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар асл сабабларини ўрганган ҳолда уларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда секторларда доимий фаолият кўрсатуви 717 та ишчи гуруҳ ташкил этилиб, умумий ҳисобда 316 мингдан зиёд шахслар яшайдиган 94730 та хонадоннинг ҳар бири кўздан ке-чирилиб, оила-лар аъзоларининг муаммолари, жиноят ва ҳуқуқбузарлиқни келтириб чиқарувчи сабаблар ўрганилган.

Секторларда ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан “хатар гуруҳи”даги инсонлар, яъни муқаддам жиноят содир этган шахслар, диний оқимларга мойил кишилар, тарбияси оғир ўсмирлар ҳамда нотинч оила аъзолари билан профилактик суҳбатлар ўтказилган ва уларга жамоатчилик вакиллари-дан иборат мураббийлар би-риктирилган.

Жорий йилнинг 7 ойида жиноятларга йўл қўймаслик мақсадида вилоят ҳудудидаги савдо маҳмуалари, аҳоли тўланадиган жойлар ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари-га жами 3237 та кузатув камераси ўрнатилиб, техник қўриқлаш пулътлари-га кўплаб фўқароларнинг хонадонлари уланди.

Вилоятда содир этилган жиноятлар юзасидан 865 та маҳаллада юқоридаги мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокамалар ўтказилган, бунда ҳар бир нохуш ҳолатга олиб келган аниқ сабаблар қўриб чиқилиб, ҳуқуқбузарликка мойил шахслар, муқаддам судланганлар ва бошқа 35019 нафар фўқарога нисбатан тегишли профилактик чора-тадбирлар қўрилган.

Амалга оширилган ушбу тадбирлар, олиб берилган профилактика ва тарбиот ишлари натижасида вилоятда жиноятларнинг умумий сони 35 фоиз камайишига эришилди.

Ўта оғир жиноятлар вило-

ассасалари, Ёшлар иттифоқи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва бошқа мутасадди идоралар фаолияти ҳам қутилган натижаларни бермаяпти.

Ийгилишда ўз фаолиятида хато ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг ахборотлари тингланди, тегишли тузилмалар раҳбар ҳамда ҳодимларининг масъулиятини ошириш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

Сузга чиққанлар мамлакатимизда амалиётга татбиқ этилаётган “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” тизимини вилоят миқёсида жорий этиш хусусида сўз юритилди. Таъкидланганидек, ушбу тизим доирасида ваколатли давлат идоралари, маҳалла, хотин-қизлар қўмитаси ва ёшлар ташкилотлари томонидан жиноятнинг тўб сабаблари ва уларни келтириб чиқарган баъра омил ўрганилиб, жиноят қайта содир этилмаслиги учун зарур чора-тадбирлар, айбдорларга нисбатан қонун устуворлиги ва жазо муқарраблиги доирасида қатъий чоралар қўрилиши назарда тутилган.

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурининг амалга оширилиши мажлисда урғу берилган яна бир масала бўлди. Иш-тирокчилар ушбу дастурни рўёбга чиқариш устидан қатъий депутатлик ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш муҳимлигини қайд этиб ўтдилар.

Билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, тадбир якунида Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

Ийгилишда Республика комиссияси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИНИ КЎЗЛАЙДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар қонун устуворлигини, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ этилишини, иқтисодиёт ривожлантирилиши ва либераллаштирилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилишини тақозо этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 27 август куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ҳам ушбу йўналишдаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Қонунчилик палатасига киритилган “Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатларнинг қизгин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси жиноят процесси иштирокчилари бўлиши жабрланувчилар, гувоҳлар ҳамда бошқа иштирокчиларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тўлиқ тартибга солишни кўзда tutadi.

Қонун лойиҳасида жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш принциплари белгиланган бўлимоқда. Шунингдек, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган шахслар ҳамда жиноят процесси бошқа иштирокчилари

ҳимоясини таъминловчи давлат органларининг рўйхати, хавфсизлик чораларининг турлари ҳамда уларни қўллашнинг асослари, хавфсизлик чораларини бекор қилиш тартиби, ҳимоя қилинувчи шахслар ва давлат томонидан муҳофаза қилишни таъминловчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб ўтилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жиноят процесси иштирокчиларининг қонунчиликка ишончини янада ошириб, уларнинг хавфсизлигини кафолатлаш, одил судловга эришиш ҳамда жамиятда жиноятга жазо муқаррарлиги принципнинг мустақкам қарор топишига хизмат қилади.

Мажлисда, шунингдек, депутатлар томонидан янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Депутатлар таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари янги босқичга кўтарилиб, ташқи сиёсат борасида ривожланган

давлатлар ва энг аввало, қўшни мамлакатлар, қозаверса, халқаро ташкилотлар билан дўстона, ўзаро манфаатли шериклики ҳар томонлама ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, охириги бир ярим йил ичида ташқи сиёсат ва халқаро ҳамкорликка доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилиниб, шартномалар имзоланди.

Айни пайтда иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий ва маданий-гуманитар жаҳбаларда Ўзбекистон билан алоқаларни кенгайтиришга хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар катта қизиқиш билдирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларни бугунги шиддаткор замон талабларига мослаштириш, юртимизнинг ҳозирги ривожланиш стратегиясига ҳамоханг тарзда тақомиллаштириб боришни тақозо этмоқда.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилинишини ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий воситаларидан бири бўлган халқаро ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини шакллантириш ва тақомиллаштиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар. Бу мамлакат учун истиқболли, амалий аҳамият касб этадиган икки ва кўп томонлама шартномалар тузишга, пировардида Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатидаги нуфузини янада оширишга ёрдам беради.

КОНЦЕПЦИЯ ИШГА ТУШДИ

Энди норма ижодкорлиги тубдан тақомиллашади.

Биз табиятан тартиб-интизомни хуш кўрадиган халқимиз. Айни пайтда адолатпарварлик бобида ҳам бошқалардан қолишмаймиз.

Уч қақирқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида узок йиллик фаолиятимда англаб етган бир ҳақиқат бор: жамиятимизда барча соҳадаги ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солиниши қабул қилинажак ҳар қандай қонуннинг ана шу икки жиҳати қай даражада омикталашига боғлиқ экан. Парламентимизнинг асосий фаолияти — қонун ижодкорлигида бу жуда муҳим омил.

Бироқ иш бор жойда, озми-кўпми, камчилигу нуқсонлар ҳам бўлиши табиий. Ўтган йилги энг муҳим воқеалардан бири — Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида парламентимиз ҳақидаги бир гап жуда таъсирлантирган эди. Давлатимиз раҳбарининг аксарият ҳолларда бирон-бир масалани аниқ ҳал этмайдиган, бир-бирига тўғри келмайдиган қонун ва қонуности ҳужжатларнинг қабул қилиниши, ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизmlарига эга бўлмаган “ўлик” қонунлар ҳақидаги фикрлари ҳозиргача қулоғимиз остида жаранглаб турибди.

Бугун қайси қонун лойиҳаси устида ишламайди, қайси қонунга ўзгартиш ёки қўшимча киритмалик, масалая ана шу танқидий мулоҳазадан келиб чиқиб ёндашмоқдамиз. Шу боис норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нафақат сифати, балки уларнинг ўз вақтида ба

жарилишига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган қисқа вақт ичида Президентимизнинг “Қонун ижодкорлигини қонунчиликка ишончини янада ошириб, уларнинг хавфсизлигини кафолатлаш, одил судловга эришиш ҳамда жамиятда жиноятга жазо муқаррарлиги принципнинг мустақкам қарор топишига хизмат қилади.

Мажлисда, шунингдек, депутатлар томонидан янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Депутатлар таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари янги босқичга кўтарилиб, ташқи сиёсат борасида ривожланган

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлигини қонунчиликка ишончини янада ошириб, уларнинг хавфсизлигини кафолатлаш, одил судловга эришиш ҳамда жамиятда жиноятга жазо муқаррарлиги принципнинг мустақкам қарор топишига хизмат қилади.

Мажлисда, шунингдек, депутатлар томонидан янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Депутатлар таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари янги босқичга кўтарилиб, ташқи сиёсат борасида ривожланган

Мажлисда, шунингдек, депутатлар томонидан янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Депутатлар таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари янги босқичга кўтарилиб, ташқи сиёсат борасида ривожланган

Мажлисда, шунингдек, депутатлар томонидан янги тахрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Депутатлар таъкидлаганидек, бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари янги босқичга кўтарилиб, ташқи сиёсат борасида ривожланган

ишига олган тадбирлар режасини ило-ва қилади. Бундан ташқари, Фармон ва қарорларда топириқлар ҳамда уларни амалга ошириш механизmlарини белгиловчи нормалар, муддатлар ва масъул иж-рочилар аниқ кўрсатилиши мажбурий қилиб қўйилди. Алоҳида тадбирлар, на-зорат режалари ва “йўл хариталари”ни қўшимча тарзда тасдиқлаш амалиётига

Депутат минбари

барҳам берилди. Янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат эса, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солуви айна-бир хил юридик кучга эга, худди шун-дай ҳужжатни бекор қилиш билан бир-галикда қабул қилинади ёки амалдаги ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшим-чалар киритилиди.

Норма ижодкорлиги жараёнида за-монавий технологияларнинг қўлланили-ши иш самарадорлигини ошириши ҳамда ушбу жараёнинг шафдофлиги-ни таъминлашдан келиб чиққан ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари тегишли вазирликлар ва идоралар билан электрон шаклда келишувдан ўтказиш амалиёти жорий қилинади.

Албатта, ҳар қандай ҳужжат, жумла-дан, Концепциянинг қабул қилиниши унинг тўлиқ ишлаб кетишини аңглат-майди. Шу боис қисқа вақт ичида маз-кур Концепцияни ҳаётга самарали тат-

биқ этиш мақсадида Комиссия ташкил қилинди.

Парламент Қонунчилик палатаси Спикери раҳбарлигида унинг кенгайти-рилган тартибдаги илк ташкилий йиғи-лиши ҳам ўтказилди. Унда Концепция-ни амалга оширишда қонунчиликнинг амалдаги ҳолати, мавжуд муаммолар-ни чуқур таҳлил қилиш натижасида қонунчилик базасини тизимлаштириш, ҳар хил идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта қўриб чиқиш ва бекор қилиш, асоссиз қеқловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар, эскирган тартибга солиш механизmlари мавжуд бўлган қонун ҳужжатларини хатловдан ўтказиш бўйи-ча иштиқболда амалга оширилиши ло-зим бўлган ишлар муҳокама этилиб, ке-лишиб олинди.

Норма ижодкорлиги соҳасидаги ушбу муҳим янгилик ва ўзгаришлар пар-ламент зиммасига ҳам катта масъули-ят юкляди. Шу боис, мазкур масала бугунги кун тартибидан муҳим ўрин эгаллаб турибди.

Эътиборли жиҳати, Қонунчилик пала-тасида Концепцияни амалга ошириш юзасидан қатор амалий ишлар бошлаб юборилди. Эндиликда ҳар бир қонун лойиҳаси Концепция талаблари асоси-да қўриб чиқилапти. Масалан, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги ва “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги

Пойтахтни бошқаришда янги тартиб жорий этилмоқда



Президентимизнинг жорий йил 17 августдаги "Тошкент шаҳрида бошқаруving алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида"ги Фармониға кўра, пойтахтдаги бошқарув механизмлари, шаҳар ва туманлардаги ҳокимиятлар ижро аппаратининг ташкилий тузилмалари ҳамда функциялари тажриба тариқасида тубдан ўзгартирилади.

Сир эмас, бугун Тошкент шаҳри бошқаруви тизимида бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, ҳужжатда қайд этилганидек, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ҳоким ва ўринбосарларнинг давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлима-лари билан комплекс ёндашу-ви ва яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига уларга хос бўлма-ган қатор вазифа ҳамда функ-циялар юклатилган. Уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий, молиявий асоси йўқ эди. На-тижада ҳокимликлар ҳузурида маъмурий ва бошқарув функ-цияларига эга алоҳида квази-давлат, яъни давлат бўла ту-риб, муҳрига, хусусий бўлса-да, ваколатига эга бўлмаган корхона ва ташкилотлар таш-кил этилаверган.

Пойтахтнинг ўзида 38 та шундай давлат унитар корхо-наси мавжуд бўлиб, унинг 21 таси бевосита шаҳарда, 17 таси эса туманларда фаолият кўрсатади. Ёхуд "Тошбозор-савдо" уюшмаси каби 52 та штат бирлигига эга ва йилига 3,3 миллиард сўмлик саклаш харажати талаб қиладиган ташкилотнинг кераклиги ҳам савол остида эди. Қолаверса, ҳоким ва унинг ўринбосарла-ри раислигида турли масала-ларни қамраб олган 51 комис-сия тузилган. Аксарияти ёнгин хавфсизлиги, металл ёки

бошқарувдан тортиб, шаҳар-нинг бош режасини қабул қилишгача, ҳокимият тизими-да ишлайдиган масъулларнинг маошини эркин тарзда оши-риш, маҳаллий бюджетга туш-ган маълум тушумларни мус-тақил сарфлай олишигача бўлган имкониятлар тақдим этилган. Бу юқоридаги муам-моларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Тошкент шаҳридаги 12 та квазидавлат ташкилот ҳамда 30 та комиссия тугатилди. Ҳўш, уларнинг шу пайтгача ба-жариб келган функциялари кимга ўтказилади?

— Эндиликда уларнинг функ-циялари аниқ давлат ташки-лотларига берилади, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиги Аҳсам Турдиев. — Мақсад ҳар бир ташкилот масъулиятини ҳис этган ҳолда, ўз вазифасини, функциясини сидқидилдан бажаришига қаратилади.

Демак, давлат ташкилотла-ри бу каби ўзи бажариши ло-зин бўлган функцияларни ростманасига зиммасига олиши учун мустақил ва чи-накамга ваколатга эга бўли-ши керак. Фармон билан республика миқёсидаги 5 та, яъни Иқтисодиёт, Молия, Қурилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг пойтахт-даги тузилмалари бевосита Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошқарувиға ўтказилади.



қоғоз парчаларини йиғиш, ОИВ-инфекциясига қарши курашиш ва ёхуд коммунал хўжаликдаги нархни баҳолаш бўйича тузилган бундай комиссияларнинг ишлаш тарти-би ҳам талаб даражасида эмаслиги аини ҳақиқат.

Фармон билан маъмурий

Этибор берсангиз, юқори-да саналганларнинг барчаси иқтисодий комплексга алоқа-дор ташкилотлардир. Энди-ликда ушбу ташкилотлар пой-тахтдаги иқтисодий кўрсаткич-ларни, умуман, пойтахтни ҳар томонлама ривожлантириш йўлида Тошкент шаҳар ҳоким-



лиги билан ҳамкорликда фао-лият юритади.

Фармонға мувофиқ, Тош-кент шаҳар ҳокими ва туман ҳокимликларининг янги наму-навий тузилмалари тасдиқ-ланди. Уларда мос равишда айрим ҳоким ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилган, айримлари эса долзарблиги-

улкан ижтимоий муаммоларға айланиши турган гап.

— Мактабгача таълим муас-сасаларида ўринларнинг етишмаслиги ёки таълим си-фати билан боғлиқ масалалар-ни ҳал этиш, назорат қилиш ва ижро ҳокимиятиға олиб чи-қиш вазифаси халқ депутат-лари Кенгаши томонидан янги

си ва Тошкент шаҳрининг бош режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича халқаро танлов ўтказилишини таъминлаш ҳамда 2019 йил 1 январға қадар концепцияни тасдиқ-лаш, 2019 йил 1 декабрда Тошкент шаҳар бош режаси-ни қарор билан тасдиқлаш кўзда тутилган. Шунингдек, 2019 йил 1 декабрға қадар эски шаҳар ҳудудидаги қисмларни қайта қуриш, ре-конструкция ва капитал қури-лишлар таққиланади.

Фармонда ҳокимият тизи-мида ишлайдиган кадрлар ва уларнинг маоши, ижтимоий ҳимояси масалалари ҳам ижо-бий томонға ўзгариши қамраб олинган. Бу ҳам муҳим. Нега деганда, биргина 2017-2018 йилларнинг ўзида тизимдаги 297 ҳодимнинг 178 нафари ўз аризасига мувофиқ ишдан бўшаган. Боиси — маош кам. Имзоланган ҳужжатда ойлик иш ҳақларига ҳам устамга бел-гилаш кўрсатиб ўтилган.

— Авваллари Тошкент шаҳ-рида топиладан даромаднинг параметрдан ошириб бажа-рилган қисми республика бюджетига ўтиб кетарди, — дейди Тошкент шаҳар ҳоким-лиги молия бошқармаси бош-лиги ўринбосари Забихулла Фаниев. — Мазкур Фармон билан параметрдан ошган қисми тўлиқ Тошкент шаҳар маҳал-лий бюджетига қолдирилган бўлди. Буларнинг ҳисобидан қилинаётган харажатлар ко-планнади. Қолаверса, автомо-биллар учун сотилган "чиroy-ли" рақамлардан тушган маб-лағларнинг 30 фоизи, кон-церт-томошалардан келган ту-шумларнинг 80 фоизи ҳам пойтахт маҳаллий бюджетига йўналтирилади.


Қисқаси, қўзланган мақсад эзгу. Муаммоларни эртаға эмас, балки бугун ҳал қилиш-дир. Пойтахт ҳаётига доир бўлган ушбу Фармон амалий ҳаётға жорий этилиб, самара берса, мазкур тажриба қолган минтақалар учун ҳам қўллани-лиши кўзда тутилган.

Текширув натижасида етказилган 12,2 миллион сўмлик зарарни тўлаш сўралган. Шунда қурилиш корхонаси раҳбари Эргаш Мамажонов жиноий жавобгарликка тортилмаслик ҳамда жиноят ишининг унга нисбатан бўлган қисмини тугатиб, судға чи-қармаслик эвазига 300 АҚШ дол-ларини пора тариқасида беришни та-клиф қилади. Талвасаға тушган пора берувчи ҳам жиноят устида, яъни пулни терговчи Х. Умрзоқовнинг хизмат столи устидаги китобға солиб қўйган вақтда ушланди.

Мажбурий ижро бюроси ҳодимиға берилмоқчи бўлган пора ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги Совлиғар қишлоғида яшовчи Тоштемир Рустамов ўғлининг уйда электр энергияси тармоғиға ноқонуний уланлиб, фойда-ланаётганилиги юзасидан тузилган да-лолатнома бўйича белгиланадиган маъмурий жарима миқдорини қамай-тириб бериш эвазига бюронинг туман бўлими суриштирувчиси Жаҳонғир Нафасовға 1,5 миллион сўм пора тақлиф этади. Бу ҳолатда ҳам пора берувчининг ноҳўя ҳаракати расмий-лаштирилади ҳамда тегишли жиноят иши қўзғатилади.

Ушбу мисоллар аниқланган камчи-ликларни пора орқали "ёнди-ёнди" қилиб бўлмаслигини, йўл қўйилган хатоларни тўзатиш учун қонуний чо-раларға таяниш зарурлигини кўрса-тади. Зеро, бугун давр ҳам, талаб ҳам ўзгарди. Шунға мос фаолият қуриш, коррупциянинг келиб чиқи-шиға шароит яратиб бермаслик бар-чанинг бурчидир.

2016 — 2018 йиллар мобайнида Тошкентда:



га қараб, янгидан ташкил этилмоқда. Масалан, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалала-ри бўйича ҳокимнинг бирин-чи ўринбосари лавозими қис-қартирилиб, янгидан жорий қилинаётган биринчи ўринбо-сарға — архитектура, капитал қурилиш ва коммуникация-ларни бошқариш юклатилмоқ-да. Аксинча, янгитдан кири-тилаётган ҳоким ўринбосари бир вақтнинг ўзида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармасига ҳам раҳ-барлик қилади. Бугуннинг талабига кўра, янгитдан таш-кил қилинаётган каналлардан фойдаланиш ва уларнинг че-гараолди ҳудудларини обо-донлаштириш бошқармаси бошлиги ҳам бир вақтнинг ўзида ҳоким ўринбосари ма-қомига эга бўлади.

Пойтахт муаммолари ҳақида гапирганда, ижтимоий маса-лаларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бугунги кунда 43614 бола ёки 25,2 фоиз ўғил-қиз мактабгача таълим муассасасиға қамраб олинма-ган. 1744 тadbиркорлик субъекти фаолият кўрсатмаяп-ти. Бу масалалар бора-бора

ташкил этилган котибият то-монидан амалға оширилади, — дейди Тошкент шаҳар ҳо-кими ўринбосари Элбек Шукуров. — Қолаверса, коррупцияға қарши курашиш, уларнинг ол-дини олишни ҳам депутатлар ўз назорати ва зиммасига олади.

Пойтахт аҳолисини ўйланти-риб келаётган яна бир муҳим масала, бу — яшаб турган уй-жойларнинг бузилишидир. Ра-қамларға кўра, 2016 — 2018 йиллар мобайнида 1852 та уй бузилган, уларда 4694 оила яшаган бўлиб, 1022 тасига ҳанузгача квартира ёки ер майдони берилмаган. 195 та қўп қаватли янги уй ҳам дуч келган жойда, ижтимоий ин-фратузилма ва муҳандислик коммуникациялари йўқ жойда қурилган.

Буларнинг барчаси бир му-аммо, яъни шу пайтгача Тош-кентнинг аниқ ва пухта бош режаси йўқлигидан далолат беради. Фармонда ушбу му-аммонинг ечими ҳам ақс этди.

Тошкент шаҳар бош архи-тектори Нуриддин Сағатов-нинг айтишича, 2018 йил 1 ок-тябрга қадар Тошкент шаҳри-нинг бош режаси концепция-

Фуқаролар давлатнинг молиявий манбаларини сарфлашда қатнашади

Халқчил сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири, бу — очиклик, ошқоралик ва шаффофликдир. Ҳўш, юртимизда ана шу принцип самарали қўлланилаетими?

Биргина мисол, авваллари Давлат бюджетининг очиклиги, даромад ва харажатларнинг аниқ ҳаракати ҳақида жамоатчилик мутлақо беҳабар қолар эди. Давлатники у ёқда турсин, маҳаллий бюджетларнинг маблаглари қаерға ва нима мақсадлар учун ишлатилаётганини ҳам билмасдик. Бу яширин амалиёт эса бюджет маблаглари сарфланишида коррупция ҳолатларига йўл очиб бергани ҳеч кимға сир эмас. Ўз навбатида, хорижлик инвесторлар шу ҳолатлар туфайли иқтисодиётимиз барқарорлигига шубҳа билан қараб келарди.

Бу каби муаммоларни тўлиқ бартараф этиш мақсадида Президентимиз "Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолади.

Ушбу ҳужжатда қандай янги ғоялар илгари сурилди, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти нималардан иборат?

Бу ҳақда айрим мутахассислар ўз фикр-муносабатларини билдирдилар.

Элдор ТУЛЯКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати:

— Мазкур ҳужжат бюджет ахборотлари очиклигини таъ-минлаб бериши билан тари-хий аҳамиятга эга. Ёнг авва-ло, халқимиз солиқлар асо-сида келиб тушаётган пул маблагларининг нимаға сарф-ланаётганини очик-ойдин кўриб бориш имкониятиға эга бўлади, соддароқ айтганда, халқ назорати ўрнатилади. Қолаверса, бюджет маълу-мотлари ошқоралиги мамла-катимизға сармоя киритиш истағида бўлган хорижлик ин-весторларнинг янада қўпайи-шиға ҳамда коррупцияға чек қўйилишиға замин яратади.

Қарор билан, даставвал, бю-джетни шакллантириш ва унинг ижросини таъминлаш тартибға келтирилади. Ҳусусан, 2020 йил-дан эътиборан Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамгар-малари бюджетлари қонун билан тасдиқланадиган бўлди. Бундан ташқари, тушум ва харажатлар-нинг аниқ белгиланган маълумот-лари эълон қилиб борилади. Шу-нингдек, бюджетнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботлар ҳам қўп эти-лади. Айнан шу мақсадда махсус "Фуқаролар учун бюджет" номли

уларнинг асослантирилгани, харажатларнинг мақсадли йўналтирилгани ҳамда ре-жалаштирилганини кўрсатиб берувчи таҳлилий маълумот-лар, қўшимча равишда Ҳисоб палатасининг тақлифлари келтирилган бўлади.

Шу билан бирға, 2019 йил 1 январдан "Очиқ бюджет" ин-формацион портали ишға туши-рилади. Унда бюджетнинг даро-мад ва харажатлари ҳолатини жа-моатчилик назорати асосида олиб боришға оид лойиҳалар акс эттирилади. Қолаверса, порта-лда турли тadbирларни молиялаш-тиришға қаратилган муҳокама-лар ўтказиш ҳам режалаштирилган. Муҳокама-лар жараёнида холис-лик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида қайта алоқа тизими фаолияти йўлга қўйилади. Асо-сийлиги, портал бюджет қонунчи-лигини бузиш ҳолатлари ҳақида аҳолиға маълумот бериб бориш ҳамда соҳаға оид мавжуд ҳужжат-ларни тақомиллаштириш бўйича тақлифларни олишға ҳам хизмат қилади. Фуқароларнинг порталға юборган тақлифлари эса Қонун-чилик палатасида мазкур ҳужжат-ларни қабул қилишда эътиборға олинади.

Ҳужжатға мувофиқ, босқичма-босқич амалға ошириладиган ҳаракатлар режаси тасдиқланади.



ахборот наشري ишлаб қилиади.

Табиийки, бундай ошқора му-носабат мамлакатдаги бюджет сиёсатининг устувор йўналишла-рини тўлиқ англаш ва бюджет маълумасида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрна-тиш учун шароит яратади. Халқ чиғирғидан ўтган бюджет ло-йиҳасига Қонунчилик палатаси-ға юборилади. Бюджетни шакл-лантириш ва харажатлар устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш механизми 2019 йилдан жорий қилинадиган бўлди.

Янги тизимнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ту-ман ва шаҳарларнинг 10 фоиз-дан кам бўлмаган қўшимча да-ромадлари жамоатчилик фикри ва аҳолининг талабига асосан мазкур ҳудуд учун зарур деб ҳисобланган бунёдкорлик, қури-лиш, ободонлаштириш ва бошқа ишларға сарфланади.

Асосий масала — жараёндаги очиклик ва ошқораликка яна бир бор тўхталиб ўтсак. Эндиликда Ҳисоб палатасининг Давлат бюд-жети ва мақсадли жамғармалар-нинг бюджетлари лойиҳалари, бюджет ва солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари ҳақидаги ҳулосалари ҳамда бюджет ижро-сининг аудити натижалари тўғри-сидаги ҳисоботлар мажбурий тарзда оммага эълон қилиб борилади.

Жалол ҚУРБОНОВ,
Ҳисоб палатаси
етакчи инспектори:

— Бундан буён олий ташқи аудит ва молиявий назорат органи Ҳисоб палатаси томо-нидан Давлат бюджет ва мақ-садли жамғармаларнинг ло-йиҳалари ҳамда бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналиш-ларини ўзида акс эттирган бюджетнома, шунингдек, бюд-жет ижросининг ҳисоботини ташқи аудитдан ўтказиш бўйи-ча ҳулосаларини жамоатчилик-ка мажбурий тарзда тақдим этиб бориш амалиёти йўлга қўйилади. Ҳисоб палатаси ҳу-лосасида солиқ тўловчиларға қўйилаётган янги талаблар ва

Унга кўра, 2019-2020 йиллар давомида бюджет ҳисобини юри-тишни Халқаро стандартларға мослаштириш, давлат маблагла-рини бошқаришнинг самарадор-лигини Жаҳон банки томонидан баҳолаш тизими жорий этилади.

Исмонжон МАМАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги
бошқарма бошлиғи:

— Ўзбекистон бугунги кун-да жуда қўп индексларда иш-тирок этмоқда. Шулардан бири Жаҳон банкининг PEFA баҳолаш индекси бўлиб, бу — давлат молиясини бошқа-ришни баҳолашдир. Бу ин-декс асосида бюджетнинг барқарорлиги ва очиклиги, давлатнинг активлари ва пас-сивлари ҳақидаги маълумот-лар, давлатнинг ҳисобдорли-ги, бюджет жараёнида қонун чиқарувчи органнинг иштиро-ки каби кўрсаткичлар баҳо-ланади. Қарорға асосан, мамлакатимизни 2020 йилдан бошлаб бюджет очиклиги ин-дексида мустаҳкам ўринға эга бўлишиға оид тadbирлар-ни ўзида муҳассам этган "Йўл харитаси" ҳам ишлаб қилиади. Буларнинг барча-си қўзланган мақсадға эри-шишининг самарали йўлидир.

Бундан ташқари, қарорда бел-гиланган вазифаларнинг тўла-тўқис ижросини ва бюджет шаф-фофлигини таъминлаш борасида-ги ислохотларни амалиётға жо-рий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тизимида молиявий статистика ва бюджет очиклигини таъминлаш бўлинимаси ташкил этилмоқда.

Қисқаси, Президент қарори билан эндиликда халқимиз дав-латнинг молиявий манбаларини бошқаришда қатнашади. Бу эса адолатли, демократик, халқчил давлат қуриш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Бош прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил
мультимедиа маркази
материаллари асосида
Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

Камчиликларни пора билан «ёпиб» бўлмайди

Жамиятни таназзулга олиб келадиған иллатлардан бири, бу — порахўрликдир. Сўнгги йилларда юртимизда унга қарши курашиш, олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Коррупциянинг оқибатлари хусусида ОАВда чиқишлар қилиниб, учрашувларда бот-бот сўз юритилмоқда. Аммо айрим "нафси ҳакалак отган" кишилар бу борадаги тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларидан тегишли ҳулоса чиқармаётгани ачинарлидир.

Масаланинг яна бир томони бор-ки, бунда фақат пора олиш эмас, балки пора бериш ҳам жиноят экан-лигини унутмаслик лозим. Ўзбеки-стон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларида ҳар икки ҳолатға ҳам жазо тайинлангани бу-нинг яққол тасдиғидир.

Мана бу рақамларға бир эътибор беринг-а: шу йилнинг ўтган даври да-вомида прокуратура органлари хо-димларига пора тақлиф қилган 30 на-фар шахсға нисбатан жиноят ишла-ри қўзғатилган. Улардан 3 мартаси-да бевосита прокуратура бўлима-ларига, 6 ҳолатда Иқтисодий жиноят-ларға қарши курашиш департаменти ходимларига, 21 ҳолатда эса Маж-бурий ижро бюроси вакилларига пора тақлиф қилинган. Бу поралар-нинг айнан қонун ҳимоячиларига тақлиф этилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бир мисол: жорий йилнинг 11 июнида Тошкент вилояти, Ўрта Чирчик тумани, Тўтзор маҳалласида яшовчи Алимардон Халқулов депар-таментнинг Миробод тумани бўлими инспектори Марс Султоновға 500 АҚШ доллар беришни тақлиф қилади. Гап шундаки, Миробод тумани давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг санитария вра-чи Д. Айтматов "Миробод деҳқон бо-зори" акциядорлик жамиятиға қараш-ли Фарғона шохобчасида рухсат бе-рилмаган жойда, гигиена қоидалари-ға зид равишда фаолият кўрсатаёт-ганлигини вақ қилиб, бир юртдоши-ларда пора олган, ўтказилган тезкор тadbирда у ашёвий далиллар билан қўлга тушган. 500 долларлик пора эса айнан ўзи пора билан қўлга туш-ган Айтматовнинг айбини енгиллатиш учун тақлиф қилинган эди. Бир жи-ноят иккинчисини бошлаб келади,

Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, барча соҳада қарор топаётган қонунийлик ва адолат устуворлиги Ўзбекистоннинг нафақат минтақада, балки бутун дунёда янги қиёфада ва том маънодаги демократик давлат сифатида намоён бўлишини таъминламоқда. Қувонарлиси, буни жаҳон афкор оммаси, халқаро экспертлар, журналистлар эътироф этяпти. Ана шу ижобий эврилишлардан куч олаётган кўп миллатли халқимиз ўзаро тотувлик, бунёдкорлик муҳитида эртанги кунга қатъий ишонч ва осойишта ҳаёт учун шукроналик ҳисси билан меҳнат қилмоқда. Бундай эмин-эркин ҳамда саодатли ҳаётнинг энг асосий омили тинчлик ва осойишталикдир. Зотан, фақат тинчлик бўлган жойдагина бахтли ҳаёт ҳукм суради. Осойишта мамлакатдагина кексаю ёш фароғатда яшайди, оилаларда кут-барака бўлади. Ҳадемай, Ватанимиз мустақиллигининг йигирма етти йиллигини кенг нишонлаймиз. Одатда, ўтган давр таҳлил қилинганда, асосан, амалга оширилган ислохотларнинг меваси бўлган кўпдан-кўп ютуқларимиз ҳақида гапирамиз. Ютуқлар ўзимизники, бироқ уларга соя солаётган айрим ҳолатлар борки, бу жойларда маънавий-ижтимоий барқарорликни асраш йўлида ҳали амалга оширилмаган ишлар ниҳоятда кўп экани, бу борада аҳамиятсиз кўринган кичик жиҳатларни ҳам кўздан қочирмаслик лозимлигини ёдга солиди. Турган гапки, олдимизда ўз ечимини кутаётган муаммоларни биров четдан келиб ҳал этиб бераётмайди, бунга ҳаракат қилмайди ҳам. Уларни ўз кучимиз ва саъй-ҳаракатимиз билан бартараф этишимиз лозим.

Лоқайдликка берилиб кўзимизни кўр, қулоғимизни қар қилиб муаммоларнинг илдиз отиб кетишига сабабчи бўлди. Эндликда миллий қадриятларимиздан бўлган жамоатчилик таъсири, жамоатчилик назоратини кучайтиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Кейинги пайтларда, айниқса, турмуш доирасида, яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари нега кўпайиб кетди? Бу вазият биз, нурунийларни сергак тортиртиши, оилада, жамиятда йўқотаёзган муҳим маъкеимизни қайта эгаллашга даъват этиши лозим.

Азалий қадриятларимизга кўра, оилада, маҳаллада ёши улугларнинг, ҳаётий тажрибаси бой нурунийларнинг сўзлари, ўғитлари, шахсий намуналари ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари учун қонун-қоида, тартиб-таомил вазифасини ўтаган. Бугун ақсар ҳолларда нурунийларимиз оилада, маҳаллада ўз ўрни ва сўзини йўқотиб қўйгани жойлардаги мана шундай кўнгилсизликларнинг асосий сабабларидан бири эмасмикан?!

Бу савол ҳар бир нурунийни, фарзандлари эртаси, бахту камолини ўйловчи отахон ва онахонларни ташвишга солиши, ҳаракатга келтириши шарт. “Ўз фарзандларимни, невараларимни тўғри тарбиялаб қўйдим, вази-фамни уддаладим”, деган нуруний қаттиқ адашади. У қачонки, қўни-қўшнилар, етти маҳалла фарзандлари тарбияли бўлсанига ўзини хотиржам ҳис қилишга ҳақли.

Илгари жойларда нафақат оиласи, балки бутун маҳаллага фикрини ўтказса оладиган, ҳудудларнинг сўзи ва амали бир бўлган ҳақиқий эгалари жамият ҳаётида катта ўрни тутиб келган. Уларнинг гапини икки қилломалар аҳрим арафасидаги ёшлар оилани асраб қолишга, нотўғри қадам босганлар эса тўғри йўлга тушишга интилганлар. Буни ўша қаттиққўл нурунийлардан кўрққанидан қилишганими ёки ҳурмат қилганидан, бизга қоронғи, бироқ катталарнинг йўриғига юрган авлодлар ҳеч бир замонда ёмонлик қўришмаган, ақсинча, униб-ўсишган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 27 июль кунини ўтказилган жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш борасидаги ишларнинг бугунги ҳолати, бу борада ички ишлар органлари ва бошқа давлат идораларининг масъулиятини янада ошириш, тизимда мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш масалаларига бағишланган видеоселектор ййғилишида билдирилган фикр-мулоҳазалар наинки соҳа мутасаддислари, балки биз, нурунийларга ҳам айнаи масалада чуқурроқ ўйлаб қўриш, тегишли хулоса чиқариш ҳамда аниқ, тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Жойларда жиноятчиликнинг тўп илдизига ҳали тўлиқ этиб борилмаётгани, уларнинг асл сабаблари ўрганилмаётгани кескин танқид қилинди. “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати”. Бу — давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган жиноятчиликни яловлаш бўйича янги тизим. Жиноятчиликка қарши курашиш доимийлиги талаб қиладиган жараён. Шунинг учун ҳам Президентимиз жиноятчиликка қарши курашиш, аҳолининг унга қарши курашишдаги имунитетини кўтаришга доимий эътибор қаратмоқда.

Бироқ олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ва эришилган муайян натижаларга қарамай, мамлакатимиздаги криминоген вазиятдаги ўзгаришлар кўнгилдагидек эмас. Бунинг боиси жиноятчиликнинг тўп илдизини, энг асосий сабабларини аниқлаш ўрнига кўпроқ унинг оқибатларини бартараф этиш устида иш олиб боришмоқда, жи-

ноятчиликка қарши курашиш соҳасида ҳанузгача эскича ишлаш услубидан воз кечилмаган.

Яъни жойларда жиноят содир бўлгачгина барча оёққа туради. Бунгача бўлган даврда тегишли идоралар, профилактика инспектори, маҳалла, нурунийлар, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси каби қатор манфаатдор идоралар масъуллари жойлардаги вазиятга панжа ортидан назар солиб тураверишади.

Юқори идораларга эса уйма-уй кириб ўрганилди, ҳар бир оила аъзосининг муаммоси, дарду ташвишига қулоқ тутилди, дея ҳисобот тақдим этилаверди.

Аслида ҳам шундай бўлганида эди, бугун оналар ўз фарзандини бўғиб ўлдирмаган, энг ифлос жойларга ташлаб кетмаган, ҳали вояга етмаган ўкувчилар ўртасида қотиллик жинояти, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари қайд этилмаган бўларди. Халқимизда бобою бувисининг тарбиясини олган болалар бошқача бўлади, деган гап бор. Юнусобод туманидаги тунги клубда содир этилган қотиллик видеосини охиригача кўришга юрагим дош бермади. Одамга пичоқ ураётган бу кимсалар ота-она, бобо-буви меҳри, панду насихатидан, бирор марта бўлсин, баҳра олиб ўлгайишганимикан?! Уларнинг бу манфур қиёфаси билан йўлдан адашган ватангадо экстремистлар, ёвуз жангариларнинг қилмишларини солиштирар эканман, орасида енгиллаштирувчи ҳеч қандай фарқи кўра олмадим.

Мақсад содир этилган жиноятни таҳлил қилиш, айбдорларни жазолаш бўлиб қолмоқда. Унинг олдини олиш, энди бош кўтараётган пайтдаёқ барвақт этиш масаласи иккинчи даражали вазифага айланаётёр.

Баъзи ҳудудларда жиноят-қидирув

Айрим нурунийларимиз ҳали-ҳануз

кексаликнинг вазифаси панду насихатдан иборат, деб билишади. Тўғри, насихатнинг таъсир кучини инкор этиб бўлмайди. Бироқ бу борада ўз инсоний фазилатлари билан ибрат ва намуна кўрсатишнинг аҳамияти нечоғли муҳим эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Йўналишидаги айрим жиноят турларининг сони охиб бораётгани, айниқса, ташвишли ҳолдир. Жумладан, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида қасддан одам ўлдириш, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида оғир тан жароҳати етказиш, Жиззахда босқинчилик, Наманган, Жиззах ва Қорақалпоғистон Республикасида транспорт воситасини олиб қочиш жиноятлари кўпайган.

Маълумотларга кўра, 2017 йилда жиноятлар 2016 йилдагига нисбатан 16 фоиз, жорий йилнинг 6 ойда эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 39 фоиз камайган. Лекин қасддан одам ўлдириш, оғир тан жароҳати етказиш, талончилик, босқинчилик, ўғрилик ва фирибгарлик жиноятларининг сони ҳамон юқорилигига қолмоқда.

Президентимизнинг таъбири билан айтганда, жиноятнинг биттаси ҳам кўп. Бинобарин, ана шу биттагина жиноятнинг оқибати йиллар давомида қўплаб инсонларнинг тақдирига салбий таъсир кўрсатади. Зеро, агар барча мута-садилар бирдек енг шимариб, оила-

лар муаммоларидан тўлиқ хабардор бўлиб, уларни ҳал этишга қўмаклашиб, жиноятнинг барвақт олдини олган ҳамда унинг туб моҳиятини тушунтирганда эди, бугун ишлар аҳволи ва рақамлар ҳам умуман бошқача бўларди. Ўтказилган таҳлиллар натижасига қараганда, қотиллик жинояти ақсарият ҳолларда оила-турмуш ҳамда қўни-қўшничилик доирасида келиб чиқаётган муаммо ва келишмовчиликлар оқибатида юз бермоқда. Жумладан, жорий йилнинг етти ойда содир этилган 277 та қотиллик жиноятининг 116 таси қариндош-уруғлар, 25 таси эса қўни-қўшнилар ўртасида юз берган. Ачинарлиси, қотиллик жиноятларининг 95 таси эр-хотин, ака-ука, ота-

ган турли воқеа-ҳодисаларга виждон амри билан муносабат билдиришни тақозо этмоқда. Дейлик, бир маҳалла ҳудудида ҳуқуқбузарлик, жиноят бўлмас-ю, унга қўшни маҳаллада бунинг акси бўлса, хотиржам ўтириш мумкинми? Ёки ён қўшнингнинг хонадониданоҳуш ҳолатлар юз бераётганини била туриб, индамаслик инсофданими? Ахир қанча-қанча ёш оилалар айнан бепарволик оқибатида барбод бўляпти. Бу муаммо бизники эмас, у ҳақда ўз масъуллари бош қотирсин, деган эскича қарашлар даври энди ортда қолди. Илгари судланганлар томонидан тақроран жиноят содир этилишининг олдини олишда, аввало, уларнинг оилавий шароитларини ўрганиш, турмуш тар-



ҲАР БИР НУРОНИЙНИНГ ЎЗ СЎЗИ, ЎЗ ЎРНИ БЎЛИШИ ШАРТ



Ҳосан ПАЙДОНОВ олган суратлар.

ўғиллар ўртасида рўй берган. Нима, ушбу жиноятлар содир этилган ҳудудларда нурунийлар йўқмиди? Нега улар кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиб қолишмаган? Маҳалла-қўй, жамоатчилик қаерга қараган? Наҳотки, оила, яқин қариндошлар ўртасидаги узилмас ришталар заифлашиб бораётган бўлса?

Бу ўринда яна кўплаб саволларни бериш мумкин. Бинобарин, айнаи пайтда “Нуруний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи олдиға жамият, оила ва ёшлар ҳаёти ҳамда тақдирига дахлдор қатор долзарб вазифалар қўйилаётган экан, нима учун улардан четда туришимиз керак? Содиr этилаётган жиноятларнинг оқибатини кўра-била туриб, уларнинг олдини олмасликка қандай қилиб виждонимиз қийналмаслиги мумкин?

Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бугунги кунда ҳар бир давлат ва нодавлат идорасининг зиммасига

зини яхшилаш, айниқса, бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Айрим нурунийларимиз ҳали-ҳануз кексаликнинг вазифаси панду насихатдан иборат, деб билишади. Тўғри, насихатнинг таъсир кучини инкор этиб бўлмайди. Бироқ бу борада ўз инсоний фазилатлари билан ибрат ва намуна кўрсатишнинг аҳамияти нечоғли муҳим эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Маълум бўлишича, жорий йилнинг 6 ойда юртимизда қайд этилган жами жиноятларнинг 30 фоизи ёшлар томонидан содир қилинган. Бу нимани аңлатади? Демак, уларнинг тарбияси, оилавий муҳити ва шароитида жаддий муаммолар бўлган. Бошқача айтганда, маҳалла фуқаролар ййғини, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, “Нуруний” жамғармасининг жойлардаги бўлимлари, Хотин-қизлар қўмитаси, қолаверса, жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолган.

Келинг, бу борада аниқ рақамларга мурожаат этайлик.

Жумладан, Сурхондарё вилоятида 18 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида жами 292 та жиноят содир этилган, шундан 73 таси ўғриликдир. Тошкент вилоятида 495 та, Қашқадарё вилоятида 194 та ўғриликнинг деярли ярми ёшлар томонидан қилинган. Фарғона вилоятида эса ёшлар қўл урган 48 та жиноятнинг 16 таси ўғрилик жинояти.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳали кўп ишларимиз, чора-тадбирларимиз қозғода қолиб кетмоқда. Хусусан, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, оилаларда аҳиллиқни, тинч, осойишта ва шукроналик билан ҳаёт кечиришни таъминлаш бўйича жойлардаги ҳокимликлар билан биргаликда қабул қилинган қўшма қарорларнинг ижросида изчиллик етишмаяпти.

Президентимиз ўтган йили Фарғона вилоятига ташрифи чоғида Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, “Нуруний” жамғармаси республика бошқаруви ва вилоят ҳокимлиги томонидан қўшма қарор қабул қилиш ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда вилоятда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишларни амалга ошириш бўйича тасвия берган эди. Қўшма қарор асосида “Фарғона вилоятида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар дастури” ишлаб қилиниб, бу тажрибани жойларда ҳам амалга оширишга киришилди. Бироқ юқоридаги ҳолатлар дастурда белгиланган вазифалар талаб даражасида ижро этилмаётганлигини кўрсатмоқда.

Тўғри, ҳудудий ҳокимликлар билан ҳамкорликда имзоланган қўшма қарор асосида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, республикамиз шаҳар ва туманларида 7 минг 293 та ишчи гуруҳи тузилиб, уларга 44 минг 981 нафар нуруний жалб этилди. Ишчи гуруҳлар томонидан жами 804 минг 442 та оила ўрганиб чиқилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож 66 минг 363 та ва яшаш шароити оғир бўлган 21 минг 769 та оилалар аниқланди. Шулардан, 8758 та оилага яшаш шароитини яхшилаш учун ёрдам берилди. 157 минг 199 та тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истағи бор ижтимоий ҳимояга муҳтож оила рўйхатга олинди, улардан 3 минг 470 тасига банклардан кредит олишлариға амалий қўмак кўрсатилди. 7 минг 996 нафар ёш ҳунармандчиликка йўналтирилди. Назорат тартибидо рўйхатдан чиқарилган, диний экстремистик оқимларға кириб қолган оилаларнинг 24 нафар аъзоси сиҳаттоҳларға 50 фойз арзонлаштирилган йўлланмалар билан жўналтилди.

Бугунги кунда ИИБ рўйхатида турган вояга етмаганлар сони жами 3148 нафарни ташкил этиб, уларға 6296 нафар нуруний бириктирилди. Нурунийлар ташаббуси билан 1223 нафар вояга етмаган профилактик рўйхатдан чиқарилди. 2621 нафарига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларға жазо тайинлашда енгилроқ жазо бериш бўйича мутасадди идораларға 759 та таклиф киритилди. Аммо бу кутилган натижаға еришилди, дегани эмас. Олдимизда ҳал этилиши лозим бўлган бир-биридан муҳим ва долзарб масалалар турибди. Зеро, кексаликнинг гашти фақат ёстимка суяниб, бамаъйлихотир ором олишда эмас, балки халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашға хизмат қиладиган қизгин жараёнларда фаоллик кўрсатишда сезилади. Янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар бир нуруний ўзини жамият, маҳалла ва оила ҳаётиға масъул деб билсагина, бахтиёрман, дея олади. Бинобарин, бизда қадимдан кексаларнинг ўз ўрни бўлган. Фарзандлар ёши улуг инсонларға ишонишган, уларнинг йўл-йўриқлари асосида иш тутишган. Дейлик, бир маҳаллада ёш йигит ёмон йўлдан юрса, оқсоқоллар уни ўртаға олиб, қилмишининг оқибатини тушунтиришган.

Давлатимиз раҳбарининг биз, нурунийларға билдирган юксак ишончи ҳамда эътиборини оқлаш, шу азиз ва муқаддас Ватанимиз равнақи, халқимизнинг фаровон турмуши, оилаларимизнинг мустаҳкамлиги, ёш авлодининг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб ўлгайишиға муносиб ҳисса қўиш ҳам қарз, ҳам фарз. Инчунин, глобаллашув жараёни чуқур илдиз отиб бораётган бугунги кунда неки эзгу ва хайрли ишлар бўлса, барчасига ўзимизни масъул ва жавобгар деб билсақина, нуруний деган шарофли номни оқлаган бўламиз.

Йигит эса қилган хатосини тушуниб, узр сўраган ва бошқа бундай номасқул ишға қўл урмаган.

Шу ўринда бир мисол: Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани “Хидирша” маҳалла фуқаролар ййғинида содир этилган даҳшатли жиноят барчанни ларзаға солди. Булоқбошилик 27 ёшли Азизбек Абдуқаюмов икки нафар аёл, етти ёшли қизча ва олти ойлик гўдақни ўлдириб, сўнг ёқиб юборган. Тайинли касби бўлмаган эркакнинг икки оиласи бўлгани, табиийки, оилавий муҳит ҳам шунга яраша носоголом тарзда кечганидан ўша ҳудудда истиқомат қиладиган маҳалла раислари, нурунийлар беҳабар эди дейсизми? Йўқ, улар хабардор бўлганлар. Фақат “Оч қорним — тинч қулогим” қабилида ўзларини кўрмаган, билмаганга олганлар, холос. Табиий савол туғилади: “Хидирша” маҳалла фуқаролар ййғини раиси ёки унинг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари — маслаҳатчиси, профилактика инспектори, маҳалла посбони нима иш билан шуғулланган, ўзи? “Нуруний” жамғармасининг жойлардаги бўлимлари қошида ташкил этилган жамоатчилик кенгашлари-чи?

Ёки 2017 йилнинг июль ойда Самарқанд вилояти Ургут тумани Тароқли маҳалласида юз берган жиноятни олайлик. Мазкур маҳалла фуқаролар ййғини раиси А. Олимов шу маҳаллада яшовчи Р. Дўлановадан (исм-шарифлар шартли) 2015 йилда 1000 доллар микдоридо қарз олиб, уни вақтида қайтара олмайди. Қўнларнинг биридо Р. Дўланова маҳалла раисига қўнғироқ қилиб, фуқаро Б. Бердиев уни доимий равишда ҳақоратлаб, хўрлаб келаётганини айтди. Шундан сўнг икковлон Б. Бердиевдан ўч олишни режалаштиради ва бу иш амалға ошса, Р. Дўланова маҳалла раисининг қарзидан воз кечишини билдиради. Ушбу шарт А. Олимовға ҳам маъқул тушади ва у Р. Дўланованинг хонадонидо Б. Бердиевнинг мастлигидан фойдаланиб, бошиға болта билан уриб ўлдиради. Сўнг улар Б. Бердиевнинг жасадини қўрпача ва гиламға ўраган ҳолда марҳумға тегишли қўнлар “Nexia”нинг юкхонасига ортиб, Тейлоқ туманининг Давлатобод қишлоғидан оқиб ўтувчи Дарғом каналига ташлаб юборишади. Маҳалла аҳлининг бошини қовуштириб, уларни аҳиллик, иноқлик ва ҳамжихатликда умргузаронлик қилишға даъват этиши лозим бўлган оқсоқолнинг бундай разил ишға қандай қўли борди? Нурунийларимиз олиб бораётган маънавий-маърифий ишларнинг ижобий самараси қаерда қолди? Бундан хулоса шуки, демак, юксак инсоний фазилатларни қарор топтириш борасида амалға ошираётган тарғибот ишларимиз ҳали замон талаби даражасида эмас. Шу босис бу масалалар янгича ёндашув зарур.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига асосан, Тошкент шаҳрида “Хафсиз пойтахт” концепциясини амалға ошириш учун куну тун хизмат олиб бориш йўлга қўйилди. Ички ишлар органларининг 730 нафар ходими, миллий гвардиянинг 522 нафар хизматчиси, прокуратура ва суд органларининг 200 дан зиёд ходимлари, 104 нафар “Маҳалла посбони” фаоллари ва 148 нафар “Фидокор ёшлар” гуруҳи аъзоси жалб этилган бу жараёнға биз, нурунийларнинг ҳам ҳиссаси миз қўшилиятими? Фикримча, пойтахтда 60 — 65 ёшға кириб оиласидан қўнгли тўқ бўлган, ғайратли, шижоатли фаол қишиларнинг ибрати ҳамда тажрибасидан самарали фойдаланишимиз керак.

Шуҳрат ЖАЛИЛОВ, «Нуруний» жамғармаси республика бошқаруви раиси.

ҚИЗИЛҚУМЛИКЛАР ОРЗУСИ РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА

Қизилқум деганда эртақларда эшитганимиз — қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган саҳро кўз ўнгимизда гавдаланади. Ваҳолонки, мазкур чўлу бибёнда бугун Навоий вилоятининг Учқудуқ ҳамда Томди туманлари тасарруфидаги 20 та овул ва маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда 51,5 минг нафарга яқин юртдошларимиз истиқомат қилади.

Табиийки, ҳар бирининг ўз орзу-ҳаваси бор.

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир фуқаро, оиланинг ўй ва ташвишидан бохабар бўлиш, йиллар мобайнида йгигилиб қолган муаммоларининг ечимини топиш, одамларнинг эртага эмас, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшашларини таъминлаш сиёсати Қизилқум кенгликларида ҳам ўз самарасини бермоқда.



Янгиланишлар одамлар фикрини ўзгартириб юборди

— Дарду ташвишимизни эшитаман, деб бир йил ичида уйимизга депутатлар, раҳбарлар, ҳокимлар, газ идораси, электр таъминоти корхонаси бошликлари жами етти марта келишди, — дейди Учқудуқ туманидаги Йўлчилар маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Мустафо Муродов. — Шу вақт ичида оилам, маҳаллам билан боғлиқ муаммоларнинг ҳаммаси бартараф этилди. Яшириб нима қиламан, икки йил бурун Қозоғистонга кўчмасиз, деган ниятда эдик. Энди фарзандларимиз билан келишдик, ҳеч қаерга кўчмаймиз. Президентимиз эртанги кунимизда мустақкам ишонч уйғотди. Мана, кунни кеча Қулқудуққа бир маъракага бориб келдим. Ўзгаришларни қандай таърифласам экан, олтимши ташкилот жалб этилибди. Бундай ҳаракатни биринчи бор кўришм.

“Қулқудуқ” овул фуқаролар йиғини Навоий шаҳридан қарийб 400 километр оғсида жойлашган. Вилоят марказидан чиққан ҳар қандай маҳсулот, масалан, бир тонна цементга ҳамда икки юз минг сўм йўл харажати қўйилади. Тупроқдан тортиб, миҳхача 400 километр масофадан ташиб келтирилганидан овулда қурилиш ташвишини энди ўзингиз тасаввур этавэринг.

— Кейинги 20 йил ичида овулимизда бир чўп қадалиб, бир иморат тикланмаган эди, — дейди овул фуқаролар йиғини раиси Жомат Абдурамонов. — Бузилган уй-жойларни-ку, айтмай қўя қолай. Шуқр, “Обод қишлоқ” дастури асосида қурилишлар бошланиб, шундан бери уч оила қўчиб келди. Элға эл қўйилган. Бу — яхшилиқ аломати, яхшининг шарофати.

Дастур доирасида Қулқудуқда аҳолининг 134 та хонадонни 1 млрд. 210 млн. сўм маблағ сарфланиб тўлиқ таъмирланди. Овулдаги бир мактаб, боғча ва қишлоқ врачлик пункти, маҳалла гузари, спорт майдони, болалар уйин майдони ҳамда ҳаммомнинг таъмирланишига эса 1 млрд. 460 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, овулга элтувчи ва овулнинг ички 21,7 километр автомобиль йўлини, 5,5 километрлик ичимлик суви тармоғини ташкирлаш режалаштирилган бўлиб, мазкур юмушлар нияҳасига етказилмоқда. Аҳолининг газ таъминотидаги эҳтиёжлари

эса тўлиқ ўрганилиб, қўшимча 60 та газ баллони ҳамда газ плиталари тарқатилди. Электр энергияси таъминотида 15,7 километрлик тармоқда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Булардан ташқари, 8 та нотуражой иморатидан олтитаси тўлиқ таъмирланиб, 60 га яқин ноқонуний тикланмалар бузиб ташланди.

“Обод қишлоқ” дастури Томди туманидаги “Шиели” овул фуқаролар йиғинидаги Ўтемурут ва Ақтау қишлоқларини қамраб олди. Мазкур дастур ижроси доирасида жами 21 млрд. 593 млн. сўм маблағ йўналтирилди. Шунинг 8 млрд. 758 млн. сўми маҳаллий бюджет, 9 млрд. 714 млн. сўми халқаро молия институтлари ва хорижий давлатларнинг кредит ҳамда грант маблағлари, 110 млн. сўми тармоқ корхоналарининг, 3 млрд. 11 млн. сўми эса бозор инфратузилмаси учун тадбиркорлар, ҳомийлик, ҳашар ва тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Бир қарор самараси

Қизилқумда аҳоли бандлиги ҳар доим долзарб масала бўлиб келган. Худуд хом ашё ресурсларига бой бўлса-да, транспорт ва муҳандислик коммуникация тармоқларидан олислиги сабаб ушбу кенгликларда кичик ишлаб чиқаришга асосланган тадбиркорлик ривож топмасди. Президентимизнинг 2017 йил 29 сентябрдаги “Навоий вилоятининг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шахрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолиси бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ўтган йилнинг 1 октябридан 2028 йилнинг 1 январига қадар вилоятнинг мазкур худудларида алоҳида солиқ имтиёзлари жорий этилди. Буни рақамларда ифодаласак, биргина саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси (савдо ва автомобилларга газ қўйиш шох-бачалари бундан мустаснода)ги 139 та корхона 2017 йилнинг 1 октябридан кейин фаолият бошлаган. Янгидан ташкил этилган ушбу бизнес субъектларининг иш бошлаши, ўз навбатида, 231 нафар кишининг бандлигини таъминлади.

Бундан ташқари, мазкур худудларда фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ўтган йили 4,3 млрд. сўмлик қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг жорий йил март ҳамда ап-

рель ойларида вилоятга ташрифлари чоғида берган топириқлари асосида 2018-2019 йилларда Учқудуқда хизмат кўрсатиш ва сервис, қишлоқ хўжалиги ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида жами қиймати 38 млрд. 650 млн. сўмлик 21 лойиҳа, Томдида эса 29,6 млрд. сўмлик 69 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Яқинда иш бошлаган “Green group Uchquduq” хусусий корхонаси шулардан бири бўлиб, у енгил саноат маҳсулотлари чиқиндиларини декоратив гипс (девор безаклари) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

— Имтиёзлар тўғрисида тумани-

мизнинг инвестициявий жозибадорлиги ортиб, худудда қўлай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда, — дейди Учқудуқ тумани ҳокими ўринбосари Азиз Бозоров. — Шу кунга қадар туманимизнинг юзлаб тадбиркорлари бу имкониятдан фойдаланиб келишгаётган бўлса, республикамизнинг турли худудларидаги ўнга яқин юридик мақомадаги субъектларнинг ўз фаолиятини кенгайтириб, туманимизда иш бошлагани янада эътиборли. Тошкент шаҳридаги “Умид траст инвест”, “Лавида траст”, “Евро метал Азия”, “Алтиус Куалс”, Бухородаги “Зарафшон Митра Глобал” масъулият чекланган жамиятлари шулар жумласидандир. Мазкур корхоналар томонидан йўлга қўйилган ишлаб чиқариш ички истеъмол бозоримизда соғлом рақобат муҳитини яратиш, нарх-наво арзонлаштириш ва барқарорлигида ҳам акс этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлмоқда. Яъни Учқудуқ туманида жорий йилнинг биринчи ярмида яратилиш режалаштирилган 241 янги иш ўрни амалда 378 тага етказилди.

Ҳар бир фуқаронинг соғлиғи — эътиборда

Қизилқумда йўл танламас автотуловларгина чўл бағридаги чўпон-чўликларнинг овулига бора олади. Бундай овуллар бугун чўлда салкам икки мингта ташкил этади ва уларда турт мингга яқин чорвадор юртдошларимиз оиласи билан истиқомат қилади.

Ота-боболаримиз “иссик жон иситмаси билан”, дея бежиз айтмаган. Табиийки, ундан қизилқумлик чорвадорлар оиласи ҳам тамомила химояланган эмас. Хасталик эса вақт ҳам, худуд ҳам танламайди. Шу боис томдлик ҳамшира Венера Сибеева жорий йилнинг 2 март куни Республикамиз Президентига қизилқумликлар билан учрашув чоғида чўлбоп тез тиббий ёрдам автомашиналари борасида муурожаат қилганида соҳа ҳодимларининггина эмас, балки чўпон-чўликларнинг дилидаги муаммони ифода этган эди.

Мазкур муурожаат қаноатлантирилиб, қисқа фурсатда вилоятнинг Томди, Учқудуқ, Конимех, Нурота ва Хатирчи туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларига “УАЗ” русумли 15 та “Тез тиббий ёрдам” автомобили топширилди.

Шунингдек, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ислохот ва янгиланишлар худуддаги шифо масканлари фаолияти, моддий-техника базаси ривожига ҳам ўз аксини топиб, аҳолига қўлайликлар яратилмоқда.

Модомики, сўз Қизилқум овулларида етишмаётган олий маълумотли кадрлар хусусида кетаркан, сўнгги бир ярим йил ичида 9 нафар шифокор ва ўқитувчи жалб этилганлигини таъкидлаш жоиз. Уларнинг барчаси уй-жой ва рўзгорнинг маънавий жиҳозлари билан таъминланди.

— Асли Қизилтепа туманининг Адизобод қишлоғиданми, — дейди Жуқудуқ қишлоғидаги 2-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Фазлиддин Тошев. — Турмуш ўртоғим қарийб йигирма йиллик тажрибага эга врач. Оиламиз билан маслаҳатлашиб, туман ҳокимига учрашдик. Уч хонали уй ажратиб, 6 миллион сўм ёрдам пули беришди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида

даги “Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида фуқароларнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳолатларининг юзга келишига буткул барҳам бериш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Мазкур қарор асосида ҳар бир маъмурий бирлик — вилоят, туман ва шаҳар кесимларида турт секторга бўлиниб, улар фаолиятини йўлга қўйишнинг барча ташкилий тадбирлари қўрилди. Хусусан, Томди ва Учқудуқ туманлари вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи раҳбарлигидаги туртинчи секторга бириктирилган. Мазкур туманларда “Маҳалла — туман (шаҳар) — вилоят — республика” тамойили бўйича иш олиб борилмоқда. Сектор штаблари аҳоли учун қўлай жойда ташкил этилиб, замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган, узлуксиз навбатчилик жорий қилинган.

Яқинда Учқудуқ туманидаги “Қулқудуқ” овул фуқаролар йиғинида сектор раҳбари Азамат Бозоров томонидан бир қатор ташилотлар ҳамкорлигида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот ташкил этилди. Сайёр қабулда 200 нафарга яқин фуқаролар иштирок этган бўлса, муурожаатчилар, асосан, ишга жойлашмиш, тадбиркорлик учун бандкан кредит олиш, уй-жой, мобил алоқа хизмати, ногиронлики белгилаш, пенсия ва нафақа таъминоти каби масалаларни ўртага ташлашди. Ҳар бир муурожаат белгиланган тартибда шу ернинг ўзида муҳокама қилиниб, ҳақли талаб қаноатлантирилди.

Оммавий қабулнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шу бўлдики, фуқаролар ўз муаммоларига ечим топиш билан бирга, уларга давлат хизматлари маркази томонидан амалий ёрдам кўрсатилди. Шу

Азиз ва ягонамансан,
жонажон Ўзбекистоним!



Обод манзилларга байрамлар ярашади

Тошкент вилоятида ҳам истиқлолнинг 27 йиллигига зўр тараддуд қўрилиб, муносиб тўғралар ҳозирланмоқда. Худуддаги йирик шаҳарлардан тортиб, чекка қишлоқларда қад кўтарайтган янги бино ва иншоотлар, ижтимоий объектлар одамларга чинакам байрамона кайфият улаштиради.

Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, фуқаролар йиғинлари учун замонавий бинолар барпо этилиб, фойдаланишга топширилади. Яқинда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Юқори Чирчиқ ва Зангиота туманлари

учун қурилган бинолар ва 21 маҳалла фуқаролар йиғини идоралари ҳам фойдаланишга топширилди. — Халқ билан ишлаш, уларни қийнаётган муаммо ва масалаларни жойида ҳал қилиш, аҳоли орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшлар бандлигини таъминлаш, маҳаллалар аҳлини ягона максат йўлида бирлаштиришда ўзбек маҳалласининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви раиси Х. Ҳамидов. — Жойларда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ва маҳалла учун барпо этилаётган бинолар тарихида бугунги кун талаби тўла инобатга олинган. Улар ахборот-коммуникация воситалари, зарур ёзма ва электрон адабиётлар билан таъминланмоқда. Тўғридан-тўғри вилоят маркази, шаҳар, туман маҳаллалар кенгашлари билан алоқа боғлаш, ахборот алмашиш имкони яратилмоқда. Шунингдек, биноларда конференция зали, маънавият ва маърифат хонаси, кутубхоналар бўлиб, турли тадбирлар, семинар ва учрашувларни ўтказиш учун барча қўлайлик яратилган.

— Ўзига хос қўринишдаги бинода маҳалла фаоллари билан бирга, профиллактика инспектори учун ҳам барча шароит яратилди, — дейди маҳалла раиси Н. Турсунбоев. — Шунингдек, бу ерда замонавий оилавий поликлиника ҳам иш бошлади. Умуман, мазкур лойиҳа рўёби учун 1,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. “Маҳалла” хайрия жамоат

фонди вилоят бўлими маълумотига кўра, мустақиллик байрами арафасида Нуратон ва Охангарон шаҳарлари, Бўка, Зангиота, Оққўрғон, Охангарон, Қўйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ туманлари кенгашлари учун қурилган бинолар ва 21 маҳалла фуқаролар йиғини идоралари ҳам фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, шу йилнинг сентябрга қадар яна фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг 58 та биноси мукаммал ва жорий таъмирланиш кўзда тутилган бўлиб, бу борадаги ишлар якунига етказилмоқда.

РАҲМАТИЛЛА ШЕРАЛИЕВ,
АБДУРАЗЗОҚ КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тўхфа

Йирик цемент заводи фойдаланишга топширилди

Шеробод туманида “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан бунёд этилган цемент заводининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда қайд этилганидек, Президентимизнинг 2016 йил 10 октябрдаги “Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида цемент заводи қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан қурилган йирик саноат объектининг технологик қисмини Туркиянинг “Dal teknik makina tigaret ve sanayi a.s.” фирмаси амалга оширди.

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йили вилоятимизга ташрифи чоғида туманимизнинг Вандоб қишлоғида барпо этилаётган цемент заводи лойиҳачиси ва қурувчилари билан учрашиб, қурилиш суръатини жаддалаштириш бўйича аниқ топириқлар берган эди, — дейди Шеробод тумани ҳокими Ҳ. Бобоқулов. — Ушанда Сурхондарё вилоятида иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, саноат корхоналарини техник ва технологик янгиллашга доир истиқболли лойиҳалар қаторида мазкур завод қурилишига алоҳида ўрғ берилганди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида ишга туширилган йирик цемент заводи нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқти-

содиётида ҳам муҳим ўрин тутishi, шубҳасиз.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун айнан Шеробод тумани танланган бежиз эмас. Бу ерда улкан хом ашё захирасига эга цемент, оҳақтош ва тупроқ (глина) конлари мавжуд. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 212,8 миллион долларни ташкил этиб, корхонада йилга 1,5 миллион тоннагача сифатли портланд цемент ишлаб чиқарилади. Эндиликда 1200 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Корхонада ишлаб чиқариладиган юқори сифатли цемент маҳсулотлари нафақат ички бозорда сотилади, балки унинг маълум қисми қўшни Афғонистонга ҳам экспорт қилиниши кўзда тутилмоқда.

“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти маълумотига кўра, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги цемент ишлаб чиқарувчи 14 та корхона томонидан 9,1 миллион тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Жорий йил якунига қадар 3 миллион тоннадан зиёд бўлган 8 та, келгуси йилда ишлаб чиқариш қуввати 4,7 миллион тонна бўлган яна 9 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



The image displays a variety of electronic equipment commonly used in retail environments. In the top left, there are two receipt printers: a compact black one and a larger white one. To their right are two types of barcode scanners: a handheld unit and a fixed-mount unit. Below the printers are two display monitors on stands, representing POS terminals. To the right of the monitors is a large, silver-colored weighing scale with a digital display and a keypad. The entire collection is set against a background of faint, overlapping geometric patterns.

ЧЕКОВЫЕ ПРИНТЕРЫ

СКАНЕРЫ ШТРИХ-КОДОВ

ДИСПЛЕИ ПОКУПАТЕЛЯ

POS-ТЕРМИНАЛЫ И МОНОБЛОКИ

ВЕСЫ С ЧЕКПОЕЧАТЫМ

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида XVIII Осиё ўйинлари қизгин давом этмоқда. Қувонарлиси, унда спортчиларимиз юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, мустақиллигимизнинг 27 йиллигига ўзига хос тўхфа ҳозирлашмоқда.



Ҳамюртимиз 16 йиллик рекордни янгиледи

Мусобақанинг бешинчи кунда ҳамюртларимиз билан боғлиқ икки ёрқин ҳодиса рўй берди. Гап шундаки, терма жамоамиз таркибидаги энг навқирон ва энг ёши катта спортчиларимиз бир кунда шохсупага кўтарилиш бахтига муяссар бўлди. Хусусан, таэквондо бўйича 49 килограммгача вазн тоифасида иштирок этган 17 ёшли Мадинабону Маннопова қумуш медалга эга чикди. Унинг учун бу, албатта, улкан натижадир. Ўзбекистонлик афсонавий спорт гимнастики устаси, Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган Оксана Чусовитина 43 ёшда бўлишига қарамай, таяниб сакраш машқларида иккинчи ўринни қўлга киритди. Оксана Токиода ўтказиладиган Олимпия ўйинларида ҳам қатнашишни ният қилган.

— Шу йилнинг ноябрь ойидан Олимпия ўйинлари учун саралаш мусобақалари, яъни жаҳон кубоги босқичлари бошланади, — дейди у. — Бу орқали биз рейтинг очколари тўплаб борамиз. Ўз олимга қатъий мақсад қўйдимми, унга эришиш учун бор маҳоратим-

✓ Оғир атлетикачимиз Руслан Нурудинов даст кўтаришда 191 кг., силтаб кўтаришда 230 кг., жами 421 кг. натижа қайд этиб, Осиё ўйинларининг 16 йиллик рекордини янгиледи.

✓ Теннисчимиз Денис Истомин Осиё ўйинлари қолиби бўлиш билан бирга, “Токио — 2020” Олимпиадаси йўлланмасини ҳам қўлга киритди.

✓ Оксана Чусовитина 43 ёшда спорт гимнастикаси бўйича Осиё ўйинлари совриндори бўлди.

ни ишга соламан. Ўтган йили декабрь ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан учрашгандим. Юртбошимиз шундай сўзларни айтган эдики, бундан бениҳоя руҳлангандим. Давлатимиз раҳбарининг ишончини оқлаш учун қўлимдан келган барча саъй-ҳаракатни қиламан. Осиё ўйинларидаги медалимни халқимизга, Президентимизга ва Мустақиллигимизнинг 27 йиллигига бағишлайман.

Терма жамоамизга навбатдаги олтин медални тажрибали теннисчимиз Денис Истомин келтирди. У мусобақанинг

еттинчи кунда бўлиб ўтган финал баҳсида хитойлик Ву Ёйбингни 2:6, 6:2, 7:6 ҳисобида мағлуб этди. Ҳамюртимиз ушбу муваффақияти билан 2020 йили Япония пойтахти Токио шаҳри мезбонлик қиладиган Олимпия ўйинлари лицензиясини ҳам қўлга киритди. Яна бир ҳафти, ўзбекистонлик теннисчилар Осиё ўйинларида охириги марта бундан 16 йил олдин биринчи ўринни эгаллаган. 2002 йили Пусан шаҳрида ташкил этилган беллашуларда Ирода Тулаганова ана шундай юксак натижага эришган эди.

Оғир атлетика бўйича Олимпия чемпиони ва рекордчиси Руслан Нурудинов Осиё ўйинларида ҳам зафарли юришини давом эттирди. Мусобақанинг саккизинчи кунда 105 килограммгача бўлган полвонлар ўртасидаги баҳсларда қатнашган юртдошимиз даст кўтаришда 191 кг., силтаб кўтаришда эса 230 кг., жами 421 кг. натижа қайд этди. Бу билан Руслан нафақат олтин медалга сазовор бўлди, балки Осиё ўйинларининг 16 йиллик рекордини ҳам янгиледи. Атлетимиз шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилди.

Таэквондода Никита Рафалович (-80 кг.), юнорум курашида Мўминжон Абдуллаев (-130 кг.), академик эшак эшишининг жуфтлик чиқишларида Шахбоз Холмурзаев ва Шахбоз Абдужабборов ҳам голиб бўлди.

Кечаги баҳслар якуни билан қўшиб ҳисоблаганда жами медалларимиз сони 31 тани ташкил этмоқда. Шундан 6 таси олтин, 13 таси қумуш, 12 таси бронза медаллардир.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

«Ўзмиллийбанк»дан янги омонат!



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

мамлакатимиз
аҳолиси ва меҳмонларини
Мустақиллигимизнинг
27 йиллиги билан муборакбод этади

ҳамда миллий валютада
муддатли янги омонатни таклиф қилади.

«Обод юртим»

- Омонатни сақлаш муддати — **2 ой.**
- Йиллик фоиз ставкаси — **16 фоиз.**
- Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг талаб қилиб олгунга қадар ҳисобварағига ўтказиш йўли билан тўлаб берилади.
- Омонатга маблағлар **2018 йилнинг 30 сентябрига** қадар амалга оширилади.

Жамғармаларнинг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни (0-371) 148-00-10 телефон рақами орқали ёки банкнинг исталган филиалидан олиш мумкин.

WWW.NBU.UZ

Хизматлар лицензияланган.

ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки жамоаси

сизларни барчамиз учун энг улуг ва энг азиз байрам —

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни

билан чин юракдан қутлайди!

Сизларга мустақкам соғлиқ, омад ҳамда муваффақиятлар тилайди! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ватандошларимиз ҳамиша бахтли бўлсин!

Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф қилади:

«МУСТАҚИЛЛИК-27»

Омонатнинг сақланиш муддати — 18 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.
Омонатнинг фоиз миқдори — **14 фоиз (йиллик).**

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ва хорижий валюталардаги 30 дан ортик турдаги муддатли омонатларни қулай шартларда таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-82-37, 120-82-98, 120-82-65.

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«АМКОДОР», «САЛЕО», «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар

санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар

гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 000 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 63 000 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 42 600 сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 78 048 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлаб олишлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мушаххис — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.25 Топширилди — 01.45 1 2 3 4 5 6